

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 141-142 (6.979). Sotuvda erkin narxda

Бунда ёшлар топади камол!



Тошкент Давлат аграр университети кишлоқ хўжалиги соҳаси учун етук мутахассислар тайёрлаб келаётган нуфузли олий ўқув даргоҳларидан биридир. Газетамизнинг 4-саҳифасида ушбу университет ҳаёти билан танишасиз.



16-17 ноябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоят Президент Ислам Каримов 8 ноябр кuni Оқсаройда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кенгашининг навбатдаги йиғилишида қўйилган вазифаларни амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкентдаги «Саёҳат» меҳмонхонасида мамлакатимизда экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув семинари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш, янада либераллаштириш ва конституциявий оидил судловни такомиллаштириш масалалари» мавзусида конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Замоновий санъат марказида «Тоғларда менинг қалбим» деб номланган кўргазма очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Замоновий санъат марказида танқидли мусаввир Ориф Мўновнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ҳайкалтарош Имановлар сулоласи ижодида бағишланган кўргазма очилди.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтида Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, САНИРИИ ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон сув хўжалиги ва мелiorацияси соҳасида бозор муносабатларини жорий қилиш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бошланди.

Нукусда Сихат-саломатлик йили дастурига мувофиқ ўтказилаётган оммавий кросс мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

Болалар спорти: Асосий мақсад - соғлом авлодни вояга етказиш

Хабар қилинганideк, Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Куйида ушбу кенгаш йиғилишининг баъни эълон қилинмоқда. Хомийлик кенгаши таъкидлайдигани, ўтган даврда Жамғарманинг асосий мақсади ва вазифаларига мувофиқ жисмоний ва маънавий соғлом авлодни шакллантиришга, фарзандларимиз онгига соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга муҳаббат туйғулари синдиришнинг муҳим шарти сифатида бутун мамлакатимизда оммавий болалар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда спорт - спорт учун эмас, спорт - саломатлик учун тамойилига амал қилинди.

Хўсбот даврида 213 объект фойдаланишга топширилди, шундан 80 фойзалдан ортиги кишлоқ жойларида бунёд этилди. «Ананавий ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларидан ташқари жойларда, асосан, кишлоқларда болалар иштирокида кўплаб спорт байрамлари ва тадбирлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда болалар спорти инфратузилмаси етарлики самарали фаолият кўрсатмаёпти. Кишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ўқитиш сифати талабга жавоб бермайди. Бўш ўринларни профессионал ўқитувчилар ва мураббийлар, бичинчи навбатда, хотин-қиз ўқитувчи ва мураббийлар билан тўлдириб босаридаги ахвол қониқарли эмас. Спорт машғулотлари ўтказиш жараёни тиббий назоратга олинмаган. Болаларни, айниқса, қизларни спорт машғулотларига жалб этиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Мажлисида Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Азизхўжаев), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси (С.Имомова), Республика «Махалла-жамғармаси (А.Ғадойбоев), Ўзбекистон ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати (Б.Убайдуллаев)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда, кишлоқ жойларида болалар спорти инфратузилмаси - спорт заллари, стадионлар ва бошқа спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, айниқса, улардан дарсдан ташқари пайтада фойдаланиш даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, қизларни спортга оммавий жалб этиш ва кам таъминланган оилаларга спорт кийимлари ва анжонлари олишда ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Қосимов)га 2006-2007 ўқув йилдан бошлаб жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларига бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, маҳаллий аҳоли вакиллари - хотин-қизларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда университетлар, вилоятлардаги педагогика институтлари негизида спорт мутахассисликлари бўйича қабулни кўпайтириш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ҳокимлигига маҳаллий аҳоли орасидан малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини, шу жумладан, педагог хотин-қизларни тайёрлаш мақсадида, тақдим этилган қабул режаси асосида, ҳар йили ишларни танловдан ўтказиш ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, шунингдек, вилоятлардаги педагогика институтларига ўқишга юборишни ташкил этиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев)га бир ой муддатда жисмоний тарбия билан шуғулланишни оқилона меъёрларни тизимини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишни, спорт машғулотлари ўтказиладиган жойларда спорт билан шуғулланидиган болаларнинг соғлиғи ҳолатини назорат қилиб боришни таъминлаш юклатилди.

Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазир В.Ғолишевнинг Жамғарма 2005 йилги бюджет баъжорилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Республика миқёсидаги хомийлар томонидан жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 12,5 миллиард сўм, жойлардаги хомийлар томонидан 9,6 миллиард сўм ва хорижий валютада 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилгани таъкидланди. Тўшмалар бўйича белгиланган кўрсаткичлар, уч ҳимий ташкилотдан ташқари, таъминланди.

2006 йилда миллий валютада республика миқёсидаги хомийлардан 15,6 миллиард сўм, ҳудудий хомийлардан 11,3 миллиард сўм ва хорижий валютада 1,7 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ тўшиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, айрим республика ташкилотлари хомийлик маблағларини ажратиш бўйича прогноз кўрсаткичларини бажармади. Баъзи ҳудудларда молиявий маблағларни шакллантириш бир маромда амалга оширилмаёпти, бу объектларни фойдаланишга топшириш ва спорт анжонлари билан ўз вақтида жиҳозлаш мuddатларини кеңиктириб юбормоқда.

Мажлисида Самарқанд (М.Нурмуродов), Тошкент (М.Кучичев), Сирдарё (А.Жалолов) вилоятлари ҳокимлигига 2005 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига кўзда тутилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш бўйича камчиликларга йўл қўйгани кўрсатиб ўтилди.

Жамғарманинг 2006 йилги бюджетни даромад қисми прогноз кўрсаткичлари маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари В.Ғолишев, молия вазир С.Раҳимовга бир ой муддатда Жамғарманинг 2006 йилги тўшум ва ҳаракатлари прогнозини Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий таълибий дастури билан боғлиқ ҳолда шакллантиришни тугаллаш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш, Жамғарма бюджетни даромад қисмининг шакллантиришда кўзда тутилган барча манбалардан маблағлар, жумладан, тегишли хомийлардан валюта маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўшишини таъминлашга эътибор қаратиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С.Раҳимов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва болалар спорти ишларида қўрилган объектларда смета маблағларининг сарфланиши устидан назоратни кўчатириш, спорт объектлари қўрилиши бўйича смета маблағлари ва ҳаракатлари охиригача кетиши ҳолатларининг олдини олиш вазифаси юклатилди. Шу мақсадларда бир ой ичида Жамғарма бюджетининг ҳаракатлар қисмининг назорат қилиш бўйича доимий ишчи гуруҳ ташкил этилиши, доимий ишчи гуруҳ 2005 йил якуни ва 2006 йилнинг ҳар чораги бўйича Жамғарманинг ҳудудий бўлиmlари фаолиятини тегишли ва белгиланган ишлар якуни бўйича Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашига ахборот беришни таъминлашга белгиланди.

Таъкидлаш керакики, жорий йилнинг биринчи ярмида 101 объект 1022 миллион сўмлик спорт анжонлари билан таъминланди. Йил охиригача 108 болалар спорти иншоотини 3967 миллион сўмлик спорт анжонлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

2005 йилнинг апрелида «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган кўргазма натижалари асосида умумлаштирилган тақлиларга мувофиқ Германиядан спорт гимнастикаси бўйича жаҳон андозаларига мос 27 турдаги жиҳоз намуна сифатида келтирилди.

2004 йилда болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун хориждан 47 турдаги спорт анжонлари олиб келинган эди. Бу йил республикамиз қорхоналарида ушбу махсуслотларнинг 31 турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу тариха четдан келтириладиган бундай анжонлар сони 16 тагача қисқарди.

Спорт анжонларини ишлаб чиқаришдаги муайян силжиларга қарамай, бу борада ҳақиқий маданийлик бор. Масалан, айрим махсуслотларнинг сифати паст ва тасдиқланган давлат андозаларига ҳамда санитария-гигиена нормаларига мос келмайди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига болалар хамкорликда фойдаланишга топширилган 108 болалар спорти объектини спорт анжонлари билан жиҳозлаш ишларини жорий йилнинг охиригача якунига етказиш вазифаси юклатилди.

Иқтисодиёт вазирлиги (В.Ғолишев)га Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Азизхўжаев), Миллий олимпия қўмитаси (Р.Қурбонов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) билан биргаликда куйидаги вазифаларни бажариш топширилди:

Эндиликда эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодек-

РОССИЯ – ЎЗБЕКИСТОН: Тенг ҳамкорлик - барқарорлик ва тинчлик пойдевори

Бугун давр мутлоқ ўзгарди. Дунё сиёсати ҳам. Қарашлар, ғоялар негизда умуминсоний муносабатлардан кўра айрим давлатлар, баъзи шахслар манфаати яққол кўриниб қолмоқда. Хуллас, одамзот таҳлилки паллада яшайпти.

Жаҳонни халқаро терроризм балоси ларзага соляпти. Қанчалаб хунрезликлар, қиргин-баротлар, портлаш-ўлдиришлар XXI асрда одатий ҳолатга айланиб қолди. Тўполонсиз, фожиасиз бирор-бир кун йўқки, бизнинг асримизда оёсийишга кенган бўлсин; ҳали у ерда ёвузларик, ҳали бу ерда қабоҳат. Хуллас, ер шарининг бағри портлашлардан илматешик бўлиб бораёпти.

Шу ўринда Президентимизнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи олдинда журналистларнинг саволларига жавоб бериб, шундай деганини эслашимиз кирфос: «Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз қандай хавф-хатарлар остида қолгани, бизга, бизнинг тинч ва оёсийишга ҳаётимизга қарши қандай хуружлар бўлгани

ни барчамизга яхши маълум. Бизни кўролмайдиган, аввало мустақил сиёсатимизни, оёсийишга ва барқарор ҳаётимизни барбод қилиш мақсадида уюштирилган қанчадан-қанча мудоҳи ва ёвуз ҳаракатлар, албатта, биздан тегишли чораларни кўришни талаб қилади. Андижондаги фожиали воқеаларни

юштирган ёвуз кучлар ва уларнинг хомийлари бугун ҳам тинчимасдан, халқаро майдонда бизнинг шаънимизга қанчадан-қанча бўҳтон ва тўҳмат гаплар ёғдиришдан, кўпуровулиқ ҳаракатлардан чарчамаётгани - бизларнинг барчаси доимо сезгир ва ҳушёр бўлишимизни тақозо этади».

Энг даҳшатли томони, мана шундай милсиз кўргуликлар ортида ҳам аллақандай сиёсий уйинлар яшириниб ётгани, жаҳоннинг таҳлика гирдобида чайқалиб туришидан манфаатдорлик туюдиган айрим

қудратли давлатлар, сиёсий кучлар мавжудлиги кенг оммага эндиликда сир эмас. Баъзида уйга толсан киши - бундай сиёсий кучлар халқаро террорчиликка қарши ми ёки уларга шу туюнча мавжудлиги маъқулми, аниқроғи, террор дунёга ҳамла қилиб турган ҳолда ўз манфаатларига эришиш осон кечадими? Умуман олганда, терроризм, турли-туман рангинг инкилоблар, оммавий тартибсизликларни айни мудоҳа билиб, қолаверса, бундай тўс-тўполонларни зимдан уюштиришга жон-жаҳди билан киришган ёвуз кучлар ва уларнинг хомийларининг ҳам кирдиқори фўш бўлмоқда.

Халқаро терроризм балоси ҳам эндиликда ниқобга айланмапти, яъни, шу мадда кутқунчи йўқотиш шори билан дунёга ўз тавсирини ўтказишни асосий мақсад қилиб қўйган баъзи кучларнинг бугунги сиёсати инсонларварликдан кўра, манфаатпарастликка ўхшаб қуринаяпти.

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллик ва эркинлик рамзи

Ватанимиз мустақилликка эришгача кўп ўтмай, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрда Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунга имзо чеқди. Унда таъкидлангандек, байроғимиз давлат суверенитетининг рамзи бўлиб қолди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида ўзига хос, чуқур рамзий маъно мўжассам. Ундаги мовий ранг муссаффо осмонимизни, кўч-қудратимизни, юртимизда ҳўм сураётган инчлиқ ва барқарорликни ўзида акс эттиради. Оқ ранг азалдан поклик, бегуборлик, адолатликни далабелган. Яшил ранг эса, яшариш ва янгилиниш рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз, асрий қадриятларимиз тисмоли ҳисобланади. Қизил чизиқлар эса, томиримизда жўшиб оқаётган аж-додлар қони - ҳаётини қудрат ва мангулик нишонасидир.

Байроғимиздаги ой ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос маъзум-муҳият касб этади. Унда ой - эзулик, оруз-умидлар, умрбоқий аъёнлар тисмолини, ўн икки юлдуз эса мукамаллиқни, қомиллиқни англатади.

Давлатимиз байроғи - ўтмиш, бугун ва келажакимизнинг ёрқин тисмолидир. Муссаффо осмон узра марғур ҳилпирабган юрт байроғини кўрган пайтимизда қалбларимиз беихтиёр тўлқинланади, вужудимизга оромбахш титроқ югургандек бўлади. Зеро, унда рудиятимиз, меҳр-муҳаббатимиз, гурур ва ифтихоримиз, Ватанга, халққа, порлоқ келажакка қомил ишончимиз мўжассамдир.

И.РУСТАМОВ

МАВСУМ

Сифатли ўтказилган кузги шудгор келгуси йил ҳосилининг баракали бўлишини таъминлайди. Буни деҳқонларимиз ўз тажрибаларидан кўришапти. Шу боис уларнинг ҳозирги сай-ҳаракатлари мазкур умумини ёрнинг об-тобида бажаришга қаратилган.

Буни қарангки, табиат ҳам заминдорларга қайтиши. Республикадаги шудгорларнинг умуми майдони 11,5 гектарга ётди.

Олинган тезкор маълумотларга қараганда, ҳар кунни ўртача 41056 гектар пайкал шудгорланаётир. Бу

Кузги шудгор - мўл ҳосил гарови

публикамиз ҳудудларида ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг яна куёш чарақлаб кетди. Гал энди бу ғанимат дамлардан оқилона фойдаланишда қолди, ҳолос. Вақт кутиб турмайди, ахир. Жойларда бу муҳим агро-техник тадбирни белгиланган мuddатларда якунлаш мақсадида иш икки сменада ташкил этилди. Ҳайдов трактор-

мўлжалдаги ишнинг 3,6 фоизини ташкил этади. Бугунгача эса жами 746,2 минг гектар ер ҳайдаб бўлинди. Демак, юмушининг 65 фоизи бажарилди, ҳисоб. Мутахассисларнинг айтишича, агар иш шу тах-либ олиб борила кузги шудгор мuddатидан олдин бажариб бўлинади.

Р.САИДОВ

Ейилмаган сомсага ҳақ

Олот туманидаги «А.Жумабоев» фермер хўжалиги 2004 йилда давлатга пахта сотиш шартномасий режасини бажара олмаганди. Олот пахта тозалаш қорхонаси судга мурожаат қилиб, фермер хўжалигидан 583725 сўмлик жаримани ундириб олди.

Режани бажара олмай иқтисодий аҳоли танг бўлиб қолган фермер учун минг сўмини қўйиб туринг, бир сўмининг ҳам қадри баланд. Фермер Рўзиқул Бозоровга емаган сомсага ҳақ тўлагани, айниқса, оғир ботди. Ахир, эртаю кеч тиним билмай, дала бо-

ерда чигитни яғанаси, экинни лаш, қатор ораларига ишлов бериш вақтида бажарди. Аммо сув бўлмагач, тўғрироғи келмагач, бошининг қаёққа уришни билмай қоларкансан, киши.

Фермер ёзма ва озаки тарзда туман ҳокими, прокурори, кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, Навоий номи ширкат хўжалиги раисига сув таъминотида ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Лекин наҳот бўлмади. Бир гектар майдондаги гўза сувсизликдан қовқираб қуриб қолди, қолган майдонлардаги экин бор-йўғи бир марта суғорилгани боис гул ва шона ташлади. Оқибатда далада етарли ҳосил тўпланмади.

Фермер хўжалигининг ер майдонлари Навоий номи ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Экинни суғоришда ширкат хўжалиги суғориш тизимидан фойдаланилади. Аммо айни вегетация даврида хўжалик раҳбарлари фермерга сувни раво кўришмади. Ҳўш, бундай дейишга асослар борми?

Фермер Навоий номи ширкат хўжалиги ўзига тегишли ерларни сув билан таъминламагани боис қўрилган 2917125 сўмлик зарарни ундириб беришни сўраб судга даъво ариза-си билан мурожаат этган, масалага ойдинлик киритилди.

(Давоми 2-бетда)

ХУКУҚ

Маълумки, Олий Мажлисининг иккинчи чақирғида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни қабул қилинди.

Ярашув институти

Айтиш жоизки, ушбу қонуннинг жорий этилиши суд-хуқуқ соҳасида янги бир йўналишни очиб берди. Яъни, шундан сўнг жиноят қонунчилигида янги-ярашув институти деган туюнча пайдо бўлди. Натихада ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган жиноят туфайли жабр кўрган-

ларнинг хоҳиш-иродаси қонунан ҳимояланадиган бўлди. Ваҳоланки, авваллари биринчи марта ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган жиноятини содир этган шахслар, гарчанд уларни жабрланувчилар кечирган тақдирда ҳам, жиноий жавобгарликка тортилардилар.

Эндиликда эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодек-

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ
ОИЛАНГИЗ БАНКИ

(Боши 1-бетда)

Бир ой мuddатда спорт жихозларига оид хориж тажрибасини ва мавжуд номенклатуранинг ўрганиб чиқиш, болалар спортини иншоотларини жихозлаш учун зарур бўлган, давлат андозалари ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган спорт анжумаларининг мақбул тўплами каталогини тузиш; ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати, Чкалов номидаги Ташкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва мамлакатимизнинг бошқа йирик корхоналарига уларнинг техник ва технологик имкониятларига мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун спорт анжумалари каталогини юборилишини таъминлаш;

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (А.Тўхтаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Ташкент шаҳри ҳокимликлари зиммасига қўйиладиган вазифалар юклатди: бир ой ичида 2006 йил учун манзилли дастурни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш, шунингдек, лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлашни охирига етказиш; 2006 йилга мўлжалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишни кўзда тутиб, тадбирларни ишлаб чиқиш, бунда уларнинг зарур спорт анжумалари тўлиқ тўплами билан жихозланишини кўзда тутиш.

Болалар спортини:

Асосий мақсад - соғлом авлодни вояга етказиш

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хужаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Хазратқуллов) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мавжуд ижобий таърифага оид мисолларни кенг тарғиб қилиш мақсадида республика миқёсида ва худудий даражада спорт анжумалари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз корхоналари фаолияти тўғрисида туркум кўрсатув ва шарҳлар уюштириш тасвია этилди. Вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантириш бўйича бажарилган ишлар ҳақидаги ахборотлар маълумот учун қабул қилинди. Андижон ва Сурхондарё вилоятларида қўрилаётган объектлар устидан зарур техник назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида белгиланган қурилиш меъёрлари ва қондалари бузилишига йўл қўйилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, Жамғарманинг худудий филиаллари раҳбарлари ўтказилган тендерлар натижалари бўйича тузилган шартномаларнинг ижроси устидан сифатли назоратни таъминлашга, қуриб битказилган объектларнинг худудий халқ таълими бўлиmlари билан балансига ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирларини кўришга қаратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Ташкент шаҳри ҳокимлари зиммасига қўйиладиган масалалар бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди: 2006 йилнинг манзилли дастурига киририлган объектлар бўйича тендер савдоларини ўтказиш, бунда пудратчи ташиқлотларнинг моддий-техник базаси, иш таърибаси ва уларнинг молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратиш; маҳаллий ҳокимлар томонидан болалар спортини объектларини қуриш ва реконструкция қилиш жараёнида намунавий лойихаларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш; болалар спортини объектларини ихтиёрий ҳокимлар ҳисобидан ва уларнинг қучи ва ташаббуси билан назоратсиз қуриш ҳолларига йўл қўймаслик, жойларда белгиланган андозаларга риоя этилмаслик ва бундай объектлардан фойдаланиш нормалари бузилишининг олдини олиш; жойларда, айниқса, қишлоқ жойларида спорт иншоотларининг балансига ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, уларни сақлаш ва самарали фойдаланиш учун белгиланган тартибда маблағ ажратиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантиришга, болаларнинг, айниқса, қизларнинг спортга жалб этишга етарлича эътибор берилмапти. Мавжуд болалар спортини базаларидан дарсдан ташқари вақтда фойдаланиш даражасини ошириш бўйича ички иш олиб борилаётгани, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташиқлотларини ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омилли бўлган ушбу жараёнга жалб этиш бўйича қатъий чоралар қўрилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси (Н.Хонов) га ўн кун ичида Нукус шаҳридаги ёпиқ спорт манежи, Қарши шаҳридаги 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион қурилишини 2006 йилнинг биринчи чорагида якунлашни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни бевосита жойларга бориб ҳал этиш вазифаси топширилди. Игилишида белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклатди.

(ЎЗА)

Ейилмаган сомсага ҳақ

(Боши 1-бетда)

Иш ҳужжатларидан қўриқилган, "А.Жумабоев" фермер ҳўжалиги билан Олот пахта тозалаш корхонаси ўртасида 2004 йилнинг 13 январидан хом ашё харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Унга кўра, фермер ўз зиммасига 12 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган.

Олот туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бош ҳисобитчи Б.Норов томонидан тузилган агрохўлосадан қўриқилган, фермер ҳўжалиги гўза вегетация даврида бажарилиши лозим бўлган барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариб бораган. Аммо пахта сотиш шартнома режасининг бажарилмағлиги экинни сув билан таъминланмаслик оқибатида рўй берган. Жавобгар тараф вакиллари суд мажлисида фермер билан ширкат ҳўжалиги ўртасида сув таъминоти бўйича шартнома тузилмаганлигини, ширкат ҳўжалиги ўз зиммасига ҳеч қандай мажбурият олмаганлигини вақт келтирдилар. Аммо бу вақтинчалик асосизлиги аён бўлди. Чўночки, Олот туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Н.Отамуродов томонидан берилган билдириш ҳатида Навоий номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси фермер ҳўжалигига тегишли 4,3 гектар ер майдонидида гўзага ёғи вегетация даврида лимит бўйича 18460000 куб метр сувни етказиб беришга тўққонлик қилганлиги билдирилди. Шунингдек, фермер ҳўжалиги раҳбарининг туман ҳокими ва прокурорига сув таъминоти бўйича ёзган аризасига асосан туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутхассислари ва ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Р.Қодиров 10 август кунига қадар гўза бир марта суғорилганини тасдиқлашган. Хуллас, фермернинг давоси тақдим этилган иш ҳўжатлари билан тасдиқланди. Суд Олот пахта тозалаш корхонасининг давво аризасига асосида фермер ҳўжалигидан ундирилган 583425 сўмлик жаримани ҳам ширкат ҳўжалигидан ундириб бериш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш лозим, деган фикрга келди. Шу тариқа Навоий номи ширкат ҳўжалигидан даввогар "А.Жумабоев" фермер ҳўжалиги фойдасига 2 миллион 611 миң 425 сўм зарарни ундириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу тариқа ҳақиқат қарор тоғди, фермерда қонун устувор эканлигига ишонч уйғонди. Таассуфки, фермер ҳақ-хўқуқи бузилаётган юқоридаги мисолга ўхшаш ҳоллар тез-тез учрапти. Мана яна бир ҳаракатли мисол. Пешку туманидаги "Қувват" фермер ҳўжалиги судга давво аризаси билан мурожаат қилиб, Пешку пахта тозалаш корхонасининг 8238000 сўмлик асосий қарз, 8515350 сўмлик жарима, шунингдек, пеня ундириб беришини сўради.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, фермер ҳўжалиги ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларни бажариб, тайёрловчида 2004 йилнинг 26 октябрга қадар 356 тонна сифатли пахта хом ашёси етказиб берган. Тайёрловчи эса шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажармаган. Чўночки, хом ашё учун тўламини қорак бўлган 56789000 сўмининг фақатгина 1437695 сўми ўз вақтида тўланган. Қолган маблағни тўлаш мuddатлари бузилган. Суд ўтадиган кўнда қорхона фермердан 7212500 сўм миқдоридида қарздор эди.

Иш ҳўжатлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилган, суд жавобгар "Пешкупахта" тозалаш ҳиссасдорлик жамиятидан даввогар "Қувват" фермер ҳўжалиги фойдасига 7212500 сўмлик асосий қарз, 7417170 сўмлик пеняни ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Кузатишлар кўрсатганини, кўп ҳолда шартнома шартларига риоя этилмаслик, фермерлик ҳаракатидаги хайрихоҳ бўлмаслик оқибатида фермер ҳўжалиklarининг ҳақ-хўқуқлари бузилапти. Улар даладаги асосий омушларни қилиб, адолат истаб ҳокимликка, хўқуқни муқофозда қилувчи органларга мурожаат этишга мажбур бўлишляпти. Биргина шу йилнинг 1 октябрга қадар Бўжоро вилоят ҳўжалиги судида фермер ҳўжалиklarини фаолияти билан боғлиқ 2251 та иш кўрилган ҳам буни исботляпти.

Агар ҳозир вилоятимизда ўнлаб ширкат ҳўжалиklarини тугатилиб, улар ўрнига тендер асосида фермер ҳўжалиklarини ташкил этилаётгани инобатга олинса, бўлғуси мулкдорларнинг хўқуқий саводхонлиғи ҳақида ҳам йўлба қўриш керак, назаримизда. Чўнки ўз ҳақ-хўқуқи ва зиммасидидаги мажбуриятни яши билган, ҳис этган фермер адолатсизликка асло ён бермайди.

И.ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ХАБАРЛАР

Давлат тижорат Халқ банки бир неча йиллардан бўйи Германиянинг жамғарма қассалари фонди билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, банк ҳодимлари малакасини ошириш, қўшимча ишчи ўринларини очиб, бу билан аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган.

Янги филиал

Киска мuddатда хорижий ҳамкорлар кўмағида Ташкент, Самарқанд, Бўжоро каби вилоятларда филиаллар очилди. Ана шундай филиаллардан яна бири Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида фаолият кўрсата бошлади. Халқ банкнинг навабдаги намунали Хива филиали ҳам германиялик ҳамкорлар томонидан мажбурий меъёллар, компьютер техникалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Ушбу филиални очиб маросимда Германиянинг Ўзбекистондаги факультетда ва мухтор элчисининг икитисодиёқ масалалари бўйича ўринбосари Меҳабб Хофман, Германиянинг "Халле" жамғарма қассалари Бошқаруви раиси Фридрих Штумпф, республика Давлат тижорат Халқ банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Аҳмад Хайдаровлар сўзга чиқиб, хайрли ва эзгу ишинг муваффақиятли давом этишига ишонч билдирилди.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Ярашув институту

(Боши 1-бетда)

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакики, Жиноят қонунчилиғида мажбур институт пайдо бўлганда Жиноят Кодексидида назарда тутилган 34 турдаги жиноятлар бўйича ярашув битими тузилиши мумкинлиғи кўрсатилган эди. Жиноят қонунчилиғи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги қонунига мувофиқ ярашув битими қўриланиши мумкин бўлган жиноятлар сони яна тўрттага ортди.

Судлар фаолиятида ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинаётган шахслар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини ҳам қонунчилиғимиздаги ушбу янгиланишнинг кенг халқ оммаси томонидан маъқулланганлигининг бир ифодаси сифатида тушуномқ лозим.

Масалан, биргина Жиззах вилоятида ўтган йилнинг биринчи ярмида ишлари судга келган 1149 нафар шахсининг 151 нафари, яъни 13,1 фоизи жабрланганлар билан ярашув билан бўлган, 2005 йилнинг олти ойида бу кўрсаткич қарийб 17 фоизни ташкил этиди.

Жиноят содир этиб, кеңирим сўраган шахсини жабрдийдан эъти ҳоҳиш иродасига кўра кеңиритиш, бунда унга ҳеч қим қимнинг таъйиқ ўтказмагани ярашув битимини тасдиқлашининг энг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Зеро, қонун кеңирим сўрагани сабабли шахсини жи-

РОССИЯ – ЎЗБЕКИСТОН: Тенг ҳамкорлик - барқарорлик ва тинчлик пойдевори

(Боши 1-бетда)

Дунёга демократия олиб қираман, деган айрим қудратли давлатларнинг Европа бўладим, бошқа бўладим, нима қилиб бўлса-да, ўзинини маъқуллатиш, жаҳонни ўз таъсир доирасига олишга интилиши тобора авжга чиқаяпти. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказиш, бу ерда ҳар қандай рангин инқилоблар оловини ёқишга уриниш ва шу баҳонада "демократиясиз минтақага" ўз таъсирини ўтказиш, назорат ўрнатиш АҚШнинг асосий режасига айланган қолган эди. Яъни, сунъий равишда бекарорликни вужудга келтириб, минтақада таҳликали сиёсий аҳвол пайдо бўлган, бу ҳудудда назорат ва бошқарувини, ҳукмронликни қўлга олиши кўзда тутилган. Бу сиёсий найранг фож бўлди, миси чиқди, ҳечам айрим қудратли "демократ" давлатларнинг Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга жони ачмаслиғи маълум бўлиб қолди.

Масалан, Андижон воқеаларидан сўнг биз бир ҳақиқатни англаб етдик: Бу ҳируреликнинг ортида ташқи сиёсий қўчлар турбиди, уларнинг минтақада даввога олиши шунга ҳалақат берадиган ҳар қандай тўсиқ олиб ташланиши керак. Ўзбекистон уларга тўсиқлик қилаётган голлардан бири. Агар шу ерда уруш олови ғўриллаб ёнса, минтақада ҳаёт издан чиқади, шундай бўлган, "жаңобий демократлар" бемалол бостириб қирадилар. Гўёки, ўзларича "ҳақиқат" ўрнатадилар. "Демократия" ни тиклайдилар. "Инсон ҳуқуқлари" нинг тантанаси қилинган эришадилар. Хуллас, ана шундай тушунчалар ниқоби ортида минтақага суқулиб кирмоқчи бўлади.

Россиялик сиёсатшунос Сергей Марковнинг айтишича: "Ўзбекистон бизнинг стратегик иттифоқчимиз бўлган иккинчи йўналиш – наркотрафика қарши кураш жаҳонда. Боз устига, сўнгги йилларда бу борадаги вазият янада кескинлашди. АҚШ Афғонистонда тўлақонли ҳукумат ўрнатишга қодир эмас ва барқарорликни таъминлаш учун жангарилар қўмондонлари билан келишишга мажбур: яъни, улар АҚШга ва Қўбун ҳукуматида ҳужум қилмайдилар, АҚШ эса жангарилар қўмондонларининг ўз тасарруфидидаги худудларда наркотик моддалар ишлаб чиқаришига ҳалақат бермайди. Ун қара кенгайиб кетган бу наркотизм Россия ва Европага йўл очиб беришга қодир. Наркобаронлар Тожикстон – Афғонистон чегарасидан россиялик чегарачиларнинг кетишига эришиб, уни деярли ўз назорати остига олди. Энди Ўзбекистонда, қўшни республикаларда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилмоқда".

Юртимизда тинчликни асраб қилиш, осуда ҳаётимизни авайлаш, Ватанимизнинг эртаси учун қайғуриш, фарзандларимиз келажагини таъминлаш, мустақилликни ҳимоя қилиш, она заминимизни ҳар қандай нопок кимсаларнинг топташига йўл қўймаслик зарур эди. Бундай пайтда ҳар қандай давлат ўзини ишончли ҳамкор, маслакдош, манфаатлари умуммуштарак давлат билан том маънода, шериклик қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига қилган расмий таширифи икки давлат алоқаларида янги ва ўта муҳим тарихий воқеа бўлди. Бугунги кунда ҳамкорлик ва ҳаммақсадлик эвазига дунёда ўз мавқенин ўнглаб қолиш сиёсати жуда кўп давлатлар мисолида кўринадилар. Президентимизнинг Россияга таширифи чоғида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўта муҳим ва масъулиятли масала – икки томонлама ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларни юқори ва ишончли асосда янада ривожлантириш, Қўрғон кўчаларни барпо этиш, уларни қуроллантиришда ўзаро кўмак ва ёрдам бериш назарда тутилди.

Бундан қўринадик, Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳар қандай ҳалла-ў ҳуруж, босқинчилик ва кўпуровчилик Россияга ҳам қарата қилинган ҳуруж ёки босқинчилик деб қаралади. Демак, Ўзбекистон ва Россиянинг ҳарбий соҳадига алоқаларни ақдл. Умум-ҳимоя тўғриси билан бирлашмоқда.

Айрим сиёсий қўчлар ўз эўравонлиғи ва зуғумини ўтказмоққа уринаётган, юртимизга нисбатан турли хил бўҳтонлар ҳуружини авж олдираётган пайтда қудратли давлатларга суняниш, таянишимиз табиий ҳол, албатта. Бироқ фақат ҳарбий соҳада ҳамкорликни жиқлаштириш билан иш битмайди, бирёқлама алоқалар, маълум маънода, ўзини оқламайдилар. Биз Россия билан ўрнатган алоқалар неғизидида ҳарбий соҳа билан биргаликда иқтисодий, молиявий ва маънавий жаҳонда ҳамкорликни ҳам асосий таянч деб белгилладик. Иқтисодий алоқаларда Россия имконияти, улкан бозори, саноатий эътирофга молик. Россия ҳам айни пайтда Ўзбекистон билан мустақам алоқа ўрнатишдан манфаатдордир. Бу ўринда ҳар иккала давлат халқларининг фаровон турмуш тарзи кўзда тутилган.

Бу борада ўзбек деҳқонига ҳам анча қўлайликлар яратилди. Россияда ишлаб чиқилган техникалардан бобдеҳқонимиз доимо унумли фойдаланган. Очиги, бу техникаларга бугун ҳам талаб қўчили. Яқин йилларда "Олтой" тракторларни Ўзбекистонда йиғиш мўлжалланмоқда. Маълумотларга кўра, Чебоксар трактор заводи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳам Ўзбекистонга экспорт қилиш деярли ўн баробар ортди.

Бундан ташқари, маданий алоқаларнинг янада тикланиши бу ҳўжжатиинг нафақат долзарблиғи, балки ҳаётийлигини ҳам белгилаб беради. Таълим, илм-фан соҳалари

даги қайталош ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ўзига хос юқсақ поғонага кўтаради. Айниқса, соғлиқни сақлаш, тиббиёт маассасаларини ривожлантириш эвазига бу борада улкан имкониятлар эшиғи очилиши шубҳасиз.

Тўғриси, одамларимизда савол туғилиши мумкин: бундай алоқалар кеңаги тузум, эски ҳолатга олиб келмайди-ми? Яна қатта-кичик "ога"лар пайдо бўлиб қолмасмикин? Йўқ, албатта. Бугун давр ўзгаради. Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам янгида бир қарашлар силсиласида мустақил сиёсат олиб бормоқда. Улар кеңаги қараш ва мафкура гирдобидида қўлиб кетган давлатлар эмас, аксинча, давр буронларига дош бериш учун ҳамкорликка киришган мамлакатлардир. Жумладан, ўзбек халқи ўз озодлиғи, истиқлолини қўлдан бериш учунмас, аксинча, уни ташқи таҳликали ёвуз қўчлардан асраб-авайлаш учун ҳам шундай ҳамкорлик – иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда: "Ҳозирги пайтда ҳар қайси давлат – Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ўзининг узоқ ва давомли стратегик манфаатларини чўқур англаб, таҳлил қилиб, тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишни маъқул топмоқда.

Бугун ҳеч қим эски замонга қайтишни хоҳламайдилар. Биз ўн беш йилдан бўён мустақиллик шартинида яшаб келмоқдамиз. Ва халқимизнинг буюк ютуғи бўлмиш истиқлолимиздан ҳеч қачон воз кеңмаймиш. Эркинлик ҳавосидан тўйиб нафас олган одамлар қарамлик ҳолатига қайтишни асло истамайди. Бундан халқимизнинг кўнгли тўқ бўлиши керак. Шу борада яши ҳақиқатни барчамиз яши англаб олишимиз зарур: фақат ўзини ҳимоя қилишга қодир, бунга имкон топган давлатнинггина келажағи ёруғ бўлади".

Ҳозирги кунда юртимизда Россия сармоиси иштирокда 400 дан ортик қўшма қорхона фаолият кўриятаяпти. Россияда эса Ўзбекистон сармоиси асосида 267 қўшма қорхона ишлаб турибди. Мутахассисларнинг таъбирича, жорий йил якунида ўзаро савдо ҳажми 2 миллиард доллардан ошиши кўзда тутилмоқда. Иқтисодий доираларда яна бир қанча ўзаро манфаатли ийрик лойиҳалар режалаштириляпти. Қўланган мақсадлар кўлами чеқсиз.

Хуллас, икки давлат ўртасидаги барча жаҳондаги ишончли ҳамкорлик, манфаатли шериклик ҳар икки давлат тараққиётининг метин пойдевори бўлиб хизмат қилади. Дунёни ларзага солаётган ҳозирги таҳликалар олови пасайишида эса Россиянинг ҳам, унга шерик Ўзбекистоннинг ҳам муносиб хиссаси бор ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ



Тараққиёт учун имконият

Савол: Фермер ҳўжалиklarига тижорат банклари томонидан бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит беришнинг ҳуқуқий тартиби қандай?

Н.ОЛИМОВ, Зафаробод тумани.

Жавоб: Республикаимизда фермер ҳўжалиklarини кредитлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлишига қарамай, уларни амалда қўллаш муаммо эди. Чўнки, қўллаб фермер ҳўжалиklarини кредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида гаровга қўйиладиган мол-мулкка эга эмас эди. Айтишимиз мумкинки, бугунги кунга келиб, бу муаммо ижобий ҳал этилди.

Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 563-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжалиklarига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида Низом" фермер ҳўжалиklarини бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлашни кўзда тутди. Ушбу Низомга асосан кредитлар фақатгина давлат эҳтиёллари учун қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳўжалиklarига қайтаришлик, тўловчилик, таъминланганлик, мuddатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилишини мумкин. Ушбу Низомнинг амалга киритилиши муносабати билан фермер ҳўжалиklarига галла ва пахта этиштириш учун талаб этиладиган қўшимча ҳаракатларни қоплаш мақсадида банкдан бўлғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда қўшимча равишда кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Бунда Давлат эҳтиёллари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер ҳўжалиklarига галла этиштириш учун "Ўздонмаҳсулот" тайёрлов қорхоналари билан тузилган контрактация шартномаси суммасининг 30 фоизига қадар, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер ҳўжалиklarига контрактация шартномаси суммасининг 80 фоизига қадар миқдоридида кредит берилиши мумкинлиғи кўзда тутилган.

Шунингдек, жамғарма кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта этиштирувчи фермер ҳўжалиklarига қўшимча равишда контрактация шартномаси суммасининг 20 фоизи миқдоридида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта этиштирувчи фермер ҳўжалиklarига эса контрактация шартномаси суммасининг 70 фоизига қадар миқдоридида кредит олишлари имконият берилади.

Ушбу кредитлар Низомда белгиланган шартлар асосида кредитни қайтаришга қодир бўлган қарз олувчиларга шартнома асосида 1,5 йилгача (18 ой) бўлган мuddатда, қайтариш мuddатини узайтириш ҳуқуқисиз миқдорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб вағарида жойлашган манзил бўйича берилади. Таъкидлаш жоизки, бўлғуси ҳосилни гаровга олиб бериладиган кредитлар тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Ўз навбатида кредитлардан фойдаланганлик учун фоиэ ставкаларни миқдори қарз олувчи (фермер ҳўжалиғи) ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

Тижорат банкларининг бўлғуси ҳосилни гаровга олиб бериладиган кредитлари қарз олувчиларга (фермер ҳўжалиklarига) қўйидаги мақсадлар учун берилади: қишлоқ ҳўжалиғи техникаси, эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни харид қилиш; ёнлиғи-моёлаш материалларини харид қилиш; минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, ветеринария дори-дармонлари сотиб олишга, МТП, муқобил МТП, ширкат ҳўжалиklarини, СФУ (Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси), бошқа ҳўжалиқ субъектлари хизматларидан фойдаланганлик учун тўловлар; бевосита галла ва пахта хом ашёси ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатлар учун.

Қарз олувчилар олинган қарздан фақатгина юқоридидаги мақсадларда фойдаланишлари шарт.

Кредит олиш учун фермер ҳўжалиғи унинг асосий депозит давлат ҳисоб вағарида хизмат кўрсатаётган банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: кредит олти учун ариза; тайёрлов ташиқлотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари; пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

охириги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-шақл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шақл), шунингдек, 90 кундан ортик мuddатдаги қарздорликни солиштириш доқонотомалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шақл); Олинадиган кредитнинг қайтариш таъминоти сифатида қарз олувчи банкка ўзига узоқ мuddатда ижарага берилган ердан жорий йилда олиннадиган бўлғуси ҳосилни таъминот сифатида тақдим этади.

Бунда банк ва фермер ҳўжалиғи ўртасида бўлажак ҳосилни гарови шартномаси имзоланади. Шартномада гаровга қўйилган ҳосилни "Ўздонмаҳсулот" ва "Пахтасаноат" тайёрлов қорхоналарига ва бошқа ҳўжалиқ субъектларига сотишдан тушган барча пул маблағлари биринчи навбатда ушбу кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизаларни тўлашга йўналтирилиши тўғрисидаги шартлар белгилаб қўйилади.

Бўлғуси ҳосилни кредит олиш учун банкка гаров сифатида тақдим этишининг яна бир муҳим шарт – бу фермер ҳўжалиғи томонидан бўлғуси ҳосилни кредит берган банк-бенефициар

Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояда

Яқинда бир танишим ўғилчасини ёнига олиб "Ипподром" бозорига тушибди. Пештахталарни айлана-айлана ахири со-тувчидан бир жуфт болалар пойабзалини харид қилибди. Пойабзал сифатсиз чиқибди. Маҳсулотнинг сертификатлан-ганлигини сўраш ҳаёлидан кўтарилган экан. Шундай қилиб, истеъмолчи ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаганлиги, қолаверса, ло-қайдлиги тўғрисида ўз пулига қуйиб, қолибди. Ҳўш, ана шун-дай ҳолатлар юзага келмаслиги учун, энг аввало, ҳар бири-сиз синчков, зийрак бўлишимиз зарур. Шундагина сифат-сиз маҳсулотлар харид қилинишига кескин барҳам бери-лади.

- Бу борада марказимизда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мақсадимиз республикамиз ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўиши, - дейди Жиззах вилояти синов ва сертификатлаштириш мар-кази бошлиғи Хуршид Абдусамиев.

қилиб тушган. Улар ўз вақтида ўр-ғанилиб, 678 та мувофиқлик сертифи-кати берилган. 3 донга хорж муво-фиқлик сертификати тан олинди. Миқозларга сертификатлаштириш мақсадида жами 31938,6 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, 26502796 минг сўмлик маҳсулотлар



ланиш тар-тиби ва ш у н г а ш ў з л а р и н и кўзиктирган кўплаб са-волларга жавоб ол-дилар.

Бундан ташқари, "Жиззах ҳақиқати" газетаси-нинг 28 май сониди "Маҳсулотлар-ни сертификатлаштириш учун", "Жиззах шифокори" газетасида эса "Мувофиқлик сертификати қандай тартибда берилди?" "Қишлоқ ҳўжа-лик маҳсулотлари таркибидаги нит-рат микдори тўғрисида нимани би-

НАЗОРАТ

ласиз?" мавзуларида тахлилий ма-қолалар чоп этилди. Вилоят телеви-дениесида мувофиқлик сертификати мавзуд бўлган маҳсулотларни харид қилиш тўғрисидаги видео ро-лик ҳафтада уч мартадан бериб бо-рилмоқда.


Шу билан бирга, марказ, вилоят солиқ бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, шаҳар ҳўкимлиги савдо бўлими иштирокида йодланганга тузларни савдо шохобчаларида сотилишини олдини олиш мақсадида "Кўзгу тоқ-шоу" телемулкоти ўтказилди.

Айни пайтда марказда корхона-лар, кичик бизнес, хусусий тадбир-корлик билан шуғулланувчиларга қулайлик яратиш, уларнинг вақтла-ри ва сарф-харажатларини тежаш мақсадида "Меъёрий ҳўжатларни ишлаб чиқиш, ишбилармонларга жўяли махсуслаш бериш, истеъмол то-варларини марказлаш, корхона-ларда мониторинг ва инспекцион назоратини ўтказиш" ҳамда "Ми-қозларни қабул қилиш" бўлими-ни ташкил қилинди. Бўлимлар то-монидан истеъмол товарларини давлат тилида марказлаш бўйича мар-кировка матн намуналарини давлат тилига тўри таржима қилинганли-ги тасдиқланиб, тадбиркорларга доимий амалий-услубий ёрдамлар, хизматлар кўрсатилмоқда.

Биз марказ лабораторияларида

га силжиш сезилди. Авваллари сер-тификатлаштириш мuddатлари ан-чага чўзилган эди. Эндиликда бу ҳўлға кескин барҳам берилди. На-тижада биринчи босқичда гигиеник сертификатлаштириш, иккинчи босқичда эса мувофиқлик сертифи-кати олинган бўлди. Эндиликда бир вақтинг ўзида санитария-эпи-демиология назорати марказлари-га гигиеник сертификат олиш учун ариза билан мурожаат этиш билан бирга сертификатлаштириш идора-сига ҳам ариза бериши мумкин. Бир сўз билан айтганда, буларнинг бар-часи биз сингари тадбиркорлар-нинг вақтини тежаш, ортиқча ово-рагарчиликка йўл қўймаслик учун қилинган ишлардир.

Маълумки, Жиззах вилоятининг ҳудуди жуда катта. Туман марказ-ларининг ораси ҳам бир-бирдан ан-ча олис. Бу ўз навбатида тадбир-корларга айрим ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай ҳолатларнинг юз бермасли-ги учун энг аввало марказда "Ишонч" телефонлари мунтазам ишлаб турибди. Агар бирор бир но-қулайлик ёки муаммо туғилгудек бўлса, ишбилармонлар дарҳол ишонч телефонига мурожаат қилиш-



лари мумкин. Асосийси, юзага кел-аётган муаммоларни тезда жойи-да бартараф этишдир.

Эътиборга молик жиҳати шунда-ки, марказда ишлаб чиқариш кор-хоналарига кўрсатилётган хизмат турларини тарғиб қилиш мақсади-да, яъни ўлчов воситаларини қий-саслаш, меъёрий ҳўжатлар билан таъминлаш, маҳсулотлар сифатини лаборатория текширу-видан ўтказишни яна-да яхшилаш мақсадида шаҳар кўрғазма тахтаси ўрнатилди. 2345 донга, яъни 14 миллион сўмлик болалар куртки ёриқла-ниши ва чокларининг тикили-ши бўйича меъёрий ҳўжатлар та-лабига жавоб бермаганлиги учун рожқис, деб топилди ва ҳўжатлар божхона бошқармасига тақдим этил-ди. Бундан ташқари 150 миллион сўмлик сертификатлаштириш учун тақдим этилган қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулоти меъёрий ҳўжат талаблари-га жавоб бермаганлиги учун истеъ-молдан олиб ташланди.

Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини синаш лаборато-рияс марказининг энг шайнаган

бўлимларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда уч нафар малакали ходим фаолият кўрсатмоқ-да. Ниҳоятга етган мазкур йил-нинг ўтган тўққиз ойи давомида ла-бораторияда жами 1821 турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулотларини синаш бўйича синов-лар ўтказилган бўлиб, шундан 1635 таси сертификатлаштириш маркази-да, қолган 186 та синов сертифи-катлаштириш бўлими томонидан ўтказилган инспекцион назорат вақ-тида ва маъмурий-ҳўқуқ органлари томонидан келтирилган маҳсулот-лар бўйича синовлар ўтказилган. Синов натижаларига кўра 12 та ҳўлатда 7029471 сўмлик маҳсулот-лар меъёрий ҳўжатлар талабига жавоб бермаган. Шундан битта ҳўлатда сертификатлаштириш мақ-садида ўтказилган синов натижаси-га кўра, маҳсулот меъёрий ҳўжат талабига жавоб бермаганлиги куза-тилди. Шундай қилиб, тўққиз ойлик учун белгиланган 11300 минг сўмлик режа 13102,5 минг сўмга, ёки 115,9 фоизга бажарилди.

Марказда ўз соҳасини мукамал билладиган, тажрибали ходимлар кўплаб топилади. Айни чоғда бу ерда фаолият кўрсатаётган киши-ларнинг барчаси олий ва тегишли соҳалардаги маълумотга эга. Ҳар бир ходим ўз йўналиши бўйича агентлик қошидаги стандартлашти-риш ва метрология, сертификатлашти-риш илмий-тадқиқот институтида ўз малакаларини ошириб келмоқ-да. Уларнинг билим ва кўникма-ларини ошириш мақсадида ҳафта-да бир мартаба ўқув-семинар машғулоти ўтказилмоқда. Маз-кур семинарларнинг мунтазам ўтқа-зилиши эса ходимлар учун фойда-дан ҳўли эмас.

"Устандарт" агентлигининг бево-сита кўмаги тўғрисида марказ бино-си сифатли қилиб таъмирдан чиқа-рилиб, зарур жиҳазлар билан тўлиқ таъминланди. Янги лаборатория дастгоҳлари харид қилиниб, синов турлари кўлайтирилди. Шунингдек, марказ бўлими янги компьютер билан жиҳозланиб, интернет тармо-ғига электрон почта алоқаларига уланди. Натижада янгиликлардан божбар бўлиш, зарур маълумотлар-ни керакли маъзиларга жўнайтиш, қабул қилиш сингари масалалар ўз ечимини топди. Синов доирасини ривожлантириш учун гигиеник, текстил, тайёр кийим, трикотаж маҳ-сулотларини синаш синовхоналари бу ерда ҳам очилди.

Энди синов ва сертификатлашти-риш маркази бошлиғи Хуршид Абдусамиев ҳақида икки оғиз сўз. У хорижда таҳсил олган, бир неча хориж тилларини мукамал била-ди, дунё кўрган. Бир сўз билан айт-ганда, ҳозирги замоннинг пешқа-дам ёшларидан бири. Хуршид Аб-дусамиевнинг бу ерда ишлаётгани-га ҳали кўп вақт бўлганича йўқ, Ле-кин у бошлаган ишини охирига ет-казмагунча тинчимайдиган серғай-рат раҳбарлардан. Қўсқа вақтда мар-казда кўплаб ижобий ишларга қўл урилди. Бўлимлар эса замонавий компьютерлар билан тўлиқ таъмин-ланди. Илгор фикрли ёшлар жалб қилинди. Бир сўз билан айтганда, жамоага янгича руҳ қилиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах вилояти синов ва сертификатлашти-риш маркази жамоаси республика-миз ички бозорини сифатли ва харидорғир маҳсулотлар билан тўлдиришга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти. Буни марказда шу кўнларда амалга оши-риладиган ишлар ҳам исботлаб тури-рибди. Зеро, халқимизни сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаш зарур. Ана шунда истеъмолчиларимиз мамнун бўли-шади.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

YETTI QOLIMDAN BIR SHINGIL

Саддам калтакланди

Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн суд за-лида калтакланди. Iqtisodiy telekanalning xabarlariga kўra, 1991 йил Ироқ жанубидаги исённи бостириш тўғрисида собиқ президент сўзлаб бераётганда у шизаларнинг икки имоми Ҳусайн ва Аббослар шаънига ҳақоратли сўзлар айтиб юборди. Мақамнинг икки нафар ша маъзабига мансуб судьяси бунга чидой олмади Саддам Ҳусайнни дўппослай кетишган. Қўриқчиларнинг аралашуви тўғрисида жанжал бартараф этилган. Собиқ президентни бундай калтаклаш биринчи бор содир этилиши эмас. Шу йилнинг июл ойида ҳам суд залида шундай ҳўл бўлиб ўтган эди.

Покистонга ёрдам керак

Покистон ҳўкумати яна бир бор халқаро ҳамжамия-тдан кўмак сўрамоқда.



Мамлакат президенти Парвез Мушарраф шу йил-нинг 8 октябрида бўлиб ўтган эилзила оқибатларини бар-тараф этиш учун 5,2 милли-ард доллардан ортиқроқ маб-лағ кераклигини айтиб ўтди. "Илтимосимиз инобатга оли-нади деган умиддаман. Акс ҳўлда, табиий офат юз бер-ган ҳудудлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши мумкин".

7,9 балли ер силкиниши оқибатида Покистонда 87 минг одам ҳўлак бўлиб, 3 миллионга яқин одам бошпанасиз қол-ган.

Генерал оқланди

Гага халқаро трибунали босниялик собиқ генерал Сефер Халиловичга қўйлаётган барча айбловларини бекор қилди.

Халиловичга нисбатан илгари сурилган қўтилик, харбий жиноятлар айбловлари тасдиқлан-мади ва у озод этилди. Сефер Халилович 1993 йил Грабовиц қишлоғидаги босниялик хорватлар-ни оммавий калтаклашда ҳам гуноҳ қилган эди. 2001 йил у ўз ихтиёрига биноан Гага трибунали-га келган эди.

Жанжал сабаби нима?

Туркиянинг Истамбул шаҳрида норасмий Курдистон ишчилар партияси тарафдорлари тартибсизлик-лар уюштиришди.



Курбони бўлиб, 16 нафар одам яраланган. Туркия бош вазири Тайип Эрдоган жанжаллар сабабини ўрганувчи махсус комиссия тузишга буйруқ берган.

Сотилган мол қайтиб олинади

"Ford" компанияси дунё бўйлаб сотилган 220 мингга автомобилни қайтариб олиш ниятида.



"Ford" вакили булар компания айби билан содир бўлган-ини айтмоқда. Ҳозирча қўриладиган зарар миқдори маълум қилинмаяпти. Бирок "Ford" бундан анчагина зиён қўри-ши башорат қилинмоқда.

Янги Президент сайланди

Либерияда президент сайловининг иккинчи тури якунилади. Унда мамлакатнинг собиқ молия вазири Эл-лен Жонсон-Сирлиф 60 фоиз овоз тўплади.

Унинг рақиб, "Милан" ва "Челси" футбол жамоаларининг собиқ ўйинчиси Жорж Веа мағлубиятга учради. Мамлакат сай-лов комиссиясининг маълум қилишича, бюллетенларнинг 90 фоизи ҳисоб-китоб қилинган, фақат чекка ҳудудлардаги на-тижалар номаълум бўлиб турибди. Шунга қарамай, Эллен Жонсон-Сирлиф ғалаба қозонди, деб бемалол айтиш мумкин. Африка давлатлари тарихида илк бор мамлакатни аёл киши бошқарадиган бўлди. Ҳолбуки, унинг ютиб чиқишига кўччиликнинг кўзи етмаган, қузатувчилар унга иккинчи дара-жалли номзод сифатида қараган. Сайлов арасидаги башоратлар бўйича Жорж Веа ғалаба қозониши керак эди. Чунки либерияликлар учун у мамлакат фахри саналади. Ўз юртида ундан машҳур киши йўқ. INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.2005 г. физическое лицо Паша Кларва Бен-Хановна раскрывает информацию о намерении приобрести 4 705 (четыре тысячи семьсот пять) штук простых именных безналичных акций "Сурхондарё йўл ва кўприк ширкати" ОАЖ Сур.обл. распол.бюджетного по адресу: Сур.обл., г.Термез, ул.С.Рахимова, 3, что составляет 25% от Уставного фонда.



- Бунга сифатни назорат қилиш идора-сида сўнгги пайтларда амалга оширилаётган ишлар ҳам мисол бўла олади. Жумладан, бўлимда сертификатлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Сертифи-катлаштириш миллий тизимининг ҳўжатлари, "Озиқ-овқат маҳсулот-ларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Маҳсулот ва хизматлар-ни сертификатлаштириш тўғриси-да"ги Вазирад Мақамасининг тегишли қарорларига асосан иш олиб борилмоқда. Бўлимда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳўкумат қарорлари ҳамда республика синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан берилган топшириқлар-ни ўз вақтида бажаришга астойдил ҳаракат қилишаётди. Бу ерда техник-ўқув машғулоти иш режаси-га асосан олиб борилади. Бундан ташқари, назоратчилар ўтган вақт давомида "Зарбдор элеватори", "Жиззах дон маҳсулотлари", "Дўстлик донмаҳсулотлари" корхо-наларини экспортга жўнатилиётган маҳсулотлардан намуналар олиб, сертификатлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Натижада вилоятдан бир-гина январ-сентябр ойларининг ўзи-да 27148,6 тонна ун ва 16544,1 тон-на бугдой маҳсулотлари четга экс-порт қилинди.

Хуршид Абдусамиевнинг эътироф этишича, амалдаги йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида маҳсулотлар-ни сертификатлаштириш бўйича ўтказилган ишлар натижасига кўра, мувофиқлик сертификати олиш учун корхона, ташкилот ва ҳуқуқий шахслардан 231 та ариза ва хатлар

сертификатлаштирилган. Ўтган даврда 46 та корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари уч-смена бўйича сертификатлаштирил-ган бўлса, 3 та корхонага агентлик хизмати кўрсатилган. 29 та корхо-нада сертификатлаштирилган маҳсу-лот устидан инспекция назорати ўтказилган. Назорат вақтида сифат-сиз маҳсулотлар борлиги аниқлан-маган. Шунингдек, бешта корхона-да маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлмаганлиги сабабли инспекция назорати ўтказилмаган. Лицензия шартномасига асосан 8788600 сўм ҳисоб рақами-га келиб тушган.

Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Мақамасининг 2004 йил 6 июлда-ги қарори талаб-лари марказда тўлиқ ва атрофли-ча ўрғаниб чиқил-ди ва уни бажаришда юзага келиши мумкин бўлган ҳўлатлар-ни тахлил қилиш мақсади-да вилоят монополиядан чиқари-риш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқар-маси билан биргаликда "Истеъмол-чилар ҳўқуқлари қонун ҳимоясида" ҳамда "Қонуний реклама дарома-данинг манбаи" руқнлари остида "Савол бериш, жавоб берами" мав-зулида телемулкот бўлиб ўтди. Телемулкотда тадбиркорлар муво-фиқлик сертификати олиш тартиби, уни амал қилиш мuddатлари тўғри-сида, ўлчов воситаларидан фойда-

Бўлимда сертификатлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Сертификатлаштириш миллий тизимининг ҳўжатлари, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Вазирад Мақамасининг тегишли қарорларига асосан иш олиб борилмоқда.

бўлиб, айрим миқозлар билан сўх-батлашдик. -Мен Арнасий туманидан келган-ман, исми Олимжон, - дея ўзини таништирди улардан бири. - Чин-дан ҳам Вазирад Мақамасининг "Маҳсулотларни сертификатлашти-риш тартиботини соддалаштириш-га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилин-гандан кейин ишларимизда олдин-

Ироқда "фосфорли бомбалар қўлланилган"

Италиянинг Rai давлат телеканалда Ироқнинг Фаллужа шаҳри тинч аҳолисига қарши Америка ҳар-бийлари томонидан фосфорли бомбалар қўлла-нилгани ҳақида ҳикоя қилувчи ҳўжатли фильм намойиш этилди.

АҚШ кўшинлари бундан бир йилча илгари Фаллужага ҳўжум уюштирганида шаҳар вайрон бўлган, уч юз минг кишилик аҳолининг аксарият қисми ўз уйлари ташлаб кетган эди.

Фильмда кийимлари бус-бутун сақлангани ҳўлда, ба-дани қаттиқ қуйган жасадлар акс этган Фаллужа манзара-лари гавдаланади. Маълум бўлишича, оқ фосфор қўлла-нилганда, унинг таъсири ана шундай аянчи оқибатларга олиб келар экан. Оқ фосфор захарли ва ёнувчан модда бўлиб, ҳаво билан қўшилган-да тез аланга олади.

Харбий хизматни Фаллу-жада ўтаган собиқ америка-лик аскар Жон Энгельгард фосфорли бомба қўллаш тўғрисида рация орқали кўрсатма берилганини эши-тибгина қолмай, бомба таш-ланганидан кейинги аҳолини ҳам ўз кўзи билан кўрган. У фосфорли бомба портлаши оқибатлари хусусида қуйида-гиларни айтган: "Ҳар ёқда аёллар, болаларнинг қуйиб қўлга айланган жасадлари - оқ фосфор қурбон танлаб ўтирмайди... Одам терисига тегса кифоя, кейин омон қолиш имконияси, у бутун та-нани суяк-суякчага қуйдириб ташлайди".

Ироқда хизмат қилган бошқа собиқ америкалик ас-карлар ва гувоҳларнинг сўзларига қараганда, бундай ёндирувчи бомбалар шаҳар-нинг аҳоли тизиг шайдиган ҳудудларига ташланган. Ита-лия телеканали буни кимё-вий қуролларни гайриқону-ний қўллаш, дея баҳолади.

ТАФСИЛОТ

АҚШ кўмондонлиги Фал-лужада гайриқонуний қурол-роғ турлари, хусусан, фос-форли бомбалар қўлланил-гани ёхуд улар тинч аҳолига қарши ишлатилгани ҳақида-ги маълумотларни инкор эт-гани ҳўлда, оқ фосфорли бомбалар жанг майдонини ёритиш мақсадида портлатил-ганини тан олди. Гап шундаки, Вашингтон фосфорли бомбалар қўлла-ниш чеклайдиган халқаро би-тимга қўшилмаган. Шу маъно-да Вашингтон: "фосфорли зарядлар тақийланмаган. Аме-рика армияси Фаллужада уларни жуда оз миқдорда, тунда душман истеҳкомлари-ни ёритиш мақсадида қўлла-ган. Улар душман жангчили-рига қаратиб эмас, осмонга отилган", деди ўз баёнотида.

Агротех Холдинг
Қишлоқ ҳўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи Россиянинг "Агротеххолдинг" компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

фермер ва ширкат ҳўжаликларига

- Красноярск комбайн заводининг "Енисей" комбайнлари,
- Волгоград трактор заводи занжирли тракторлари,
- "Алтай мотор" заводи двигателлари,
- Ва бошқа турдаги Россияда ишлаб чиқарилган қишлоқ ҳўжалиги техникаларини тақриф этади.

Сиз учун қулай нархлар ва сифатли техникалар
Ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар
Сервис ва кафолатли хизматлар

"Агротеххолдинг" ОАЖ техникалари ширкат қишлоқ ҳўжалиги техникаларидир!

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ Ш. АБДИКАД. 207, 208, 209 - ХОНАЛАР. ТЕЛ: 144-61-85, ФАКС 144-60-74 e-mail: uam@agrotech.com

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ҲўЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИККАТИГА!
Уруғлик керами? Марҳамат!
"Умева сабазотур усаноат" уюшмаси маҳаллий шароитга мослашган сабазот, полиз экинлари ва қўчталарнинг сара, наводор уруғларини сотмоқда. Ҳақ тўлаш турлича. Манзил: Тошкент, С.Мирахмедов кўчаси, 248-уй. Тел. 50-91-01.

Частное предприятие "KALORAMA" Мирзо-Улугбекского района города Ташкента реорганизуется в ООО "KALORAMA". Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации. Тел: 132-22-63.

Кеча дундаги барча тенгдошлари қатори юртимиз ёшлари Халқаро талабалар кунини қувонч шодликлар билан байрам қилишди. Талабалар кунини арафасида биз Тошкент Давлат Аграр университетиде бўлиб, бу таълим даргоҳида талабалар учун яратилган шароитлар, ўқиш-ўқитиш ишлари, бу ерда олиб борилаётган илмий изланишлар билан танишдик, талабалар ва устозлар билан суҳбатда бўлдик.

2001 йилдан буён ҳар йили университет миқёсда ўқитувчи-профессорлар, талаба ва магистрларнинг таълим ва ўқитишда эришган илмий муваффақиятлари, рейтинг кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда магистр, аспирант, мураббийлар танлови ўтказиб, ғолиблар моддий рағбатлантирилади. "Ота-оналар кунини", "Талабалар билан мулоқот", "Очиқ эшиклар кунини" тадбирлари мунтазам ташкил этилган. Ҳар ойда барча "Талабалар кунини"да университет ректорининг талаба-

рифи ишларимизда муҳим омил бўлмоқда. Яқинда Республика прокуратураси матбуот хизмати раҳбари Светлана Ортиқова бошчилигида 18 нафар ҳуқуқшунослар талаба ёшлари ва университет жамоаси билан суҳбатда бўлишди. Улар Андижон воқеалари, турли экстремистик оқимлар ёт гоиларининг мазмун-моҳияти, ақидапарастлар томонидан содир этилган муҳиж хижоятлар ҳақида сўзлаб бердилар. Бугунги кунда юқоридаги мавзуда факультетлар ва академик гуруҳларда махсус курслар ташкил этилган.

Талабаларнинг намунали дам олишлари учун пойтахтимиздаги катта музейлар, театр ва бошқа маданият ва санъат саройларидаги дам олиш дастурларига ҳар ойда 300 талабанинг бепул бориш имтиёзлари яратилган. Университетимиз профессор-ўқитувчилари, талаба, аспирантлари ва барча ходимларни моддий рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларнинг бизда таълим олаётган фарзандларига иқтимой ёрдам беришга, жиддий эътибор қаратишга интиламиш. Университетнинг махсус ҳисоб рақами (бюджет маблағларидан ташқари)дан барча ходимлар учун байрам саналари муносабати билан турли миқдорларда маблағлар ажратиб келинади. Ҳар ойда 100 нафар талаба университет профилаторийсида саломатлигини теклаб, бепул оқват билан таъминланадилар, касалхона типидagi поликлиникамиз ҳам талабалар хизматига.

Маънавияти соғлом ёшлар билан келажакимиз пойдевори мустаҳкам бўлар экан, ёшларимизнинг келажакда ўзлари

Маънавий кўмакдош

"Камолот" ЕИХ бошланғич ташкилоти ёзоси, Боруний стипендианти Зуҳра Асқарова "Камолот" сафиде эканлигидан мамнуллигини айтади:

Университетимиз Камолот ЕИХ бошланғич ташкилоти талаба ёшларнинг яқин кўмакдошига айланади, дейди у. Талабалар байрам кунларини, бўш вақтларини кўнглили ўтказишлари учун турли кўрик танловлар, машҳур санъаткорлар, театр ва кино актёрлари билан учрашувлар ўтказилади. Айниқса, таниқли ёзувчи, шоир ва олимлар билан уюштирилаётган давра суҳбатлари бизда катта тассурот қолдиради.

Университетимиз атрофини янада гўзаллаштириш, ободонлаштириш учун хашарлар ташкил қилинади. Биз талабалар бундай хашарларда кўчат ўтказамиз, гуллар экамиз. Биз парвартириш қилган кўчатларнинг яшнаб ўсаётганини кўриб ўзимиз ҳам яшнаб кетамиз. Талабалар ўйда биз учун "Маънавият ва маърифат" хоналари ташкил этилган. У ердаги қизиқарли адабиётлар, турли-туман газета ва журналларни севиб ўқиймиз. Вақтли ахборот билан мунтазам танишиб борамиз. Ёшларни маънан баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида талабалар уйларида университетимиз профессор ўқитувчилари билан турли иқтимой мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилади. Бу суҳбатлар савол-жавоблар асосида жуда қизиқarli ўтади, биз ўз мулохазаларимизни устозларимиз билан ўртоқлашамиз, мустақил фикрлашга ўрганаемиз.

Жонажон университетимиз биз учун муқаддас даргоҳ, "Камолот" қошида талабалардан тузилган "Еш посбонлар" гуруҳи ҳар кунини университет ҳудуди, ётоқхоналарини кўзатиб турадилар, саранжом-сарийшта, осийишта ҳаёт тарзи тенгдошларимизнинг яхши ўқишига кўмаклашади.

Табий соф маҳсулот

Бу борада университет биомаркази деҳқонларимизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бу ерда, ўсимлик зараркунандаларига қарши курашувчи хашаротлар кўпайтирилади, дейди ушбу "Биомарказ" директори, доцент Ботир Сулаймонов.

Улардан қишлоқ ҳўжалиги экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда фойдаланилади. Биологик усулнинг афзалликлари дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган бежиз эмас. Экологик соф маҳсулот тайёрлашнинг атраф-муҳит ва кишилар саломатлигини муҳофаза қилишда аҳамияти жуда катта. Биомарказимизда, жумладан, олтинкўз, бракон, трихограмма энтомофагларини лаборатория шароитида кўпайтиришнинг мукамал технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Айни пайтда ҳар йили республикамиздаги 800 та биологик лабораториянинг барчасига ушбу фойдали хашаротларнинг бирламчи маҳсулотларини етказиб берамиз. Шу билан бирга деҳқон-фермер, томорка ҳўжалиқларини ҳам бундай маҳсулотлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилган.

Биомарказда талабаларимиз назарий билимларини мустаҳкамлаб, амалий машғулотларда мунтазам иштирок этидилар, илмий таҳрибалар олиб борадилар. Шунингдек, биомарказда ҳар йили республикамиздаги мавжуд биологик лаборатория ходимлари, мутахассислар ўз малакаларини ошириб келмоқда.

1999-2000 йилларда Х.Кимсанбоев ва Х.Мирзаевлар томонидан олтинкўз энтомофагини кўпайтириш технологиясининг қулай тақомиллашган усули ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда мазкур технология барча вилоятларда кенг жорий этилган.

Олимларимиз иссиқхона оқанотига қарши курашувчи энкарзияни лаборатория шароитида кўпайтириш ва қўллаш технологиясини яратдилар.

"Биомарказ" ва университетимиз олимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий таъсиялар ва тадбирлар жойларда кенг қўлланиб келинаётган экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда кетадиган сарф-харажатларини имкон қадар камайтиришга, атраф-муҳит мусаффолигини сақлашга кўмак беради.

"Агроном овози"ни тинглаб

Инсоният ахборотлар асрида яшамоқда. Интернет тизими ахборот олишнинг янги имкониятларини яратди. Лекин ҳамма ёшларимиз ҳам бу ахборотларнинг мазмун-моҳиятини тўғри таҳлил қила билиши қийин, албатта.

Университетда ташкил этилган "Ахборот гуруҳи" бунда талабаларга катта ёрдам бермоқда. Ҳар кунини эрталаб мазкур гуруҳ томонидан тайёрланган кундалик маълумотлар барча факультетларнинг деканлари иштирокида таҳлил қилинади. Ҳар кунини биринчи дарс машғулотида ўрганилаётган фан мавзусини ёритишдан олдин ўқитувчилар 4-5 дақиқа давомида талабаларни сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги янгиликлар билан таништиридилар. "Ахборот гуруҳи" томонидан тайёрланган материаллар асосида "Ойнинг долзарб мавзуси" аниқланиб, бу мавзу ҳар ойда ўтказилади. "Маънавият кунини"да талабалар орасида муҳокама қилинади. Университетнинг "Агроном овози" радиосида ушбу гуруҳ томонидан тайёрланган маълумотлар ҳар кунини талабалар диққатига ҳавола этиб боришмоқда. Талабаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар, хорижда рўй бераётган воқеалар ҳамда бошқа зарур ахборотлар билан теъроу ва мунтазам равишда таништири боришни мақсад қилган университет "Ахборот гуруҳи" яқинда олий ўқув юртилари ўртасида ўтказилган шахар танловида 4-ўринга сазовор бўлди.

ТошДАУ: Аграр соҳа билимдонлари

Тошкент Давлат Аграр университети 75 йилдан буён қишлоқ ҳўжалиги соҳаси учун етуқ мутахассислар тайёрлаб келаятган нуфузли олий ўқув даргоҳларидан биридир. Бу ерда бешта: агрономия, қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш, селекция уручилиги ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, зоотехния, қишлоқ ҳўжалиги механизацияси факультетларида 19 йўналиш бўйича талабалар билим олашмоқда. Магистрлар тайёрлаш курсида 40 дан зиёд мутахассислик бўйича 292 нафар ёшларимиз илм сирларини ўрганишяпти.

Ҳар йили мингдан зиёд ёшлар олий ўқув юртимизни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўядилар, дейди биз билан суҳбатда университет маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Иброҳим ака Ҳўжамуродов. Айни пайтда университетимизда 5671 талаба қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг назарий ва амалий билимларини пухта ўзлаштиряпти. Университетга қарашли иккита ўқув-тажриба ҳўжалиги, илмий-тадқиқот марказлари, спорт мажмуаси, ётоқхоналар ва бошқа яратилган қулайликлар ёшларимизга таълим-тарбия бериш, уларни ҳозирги замон талабларига мос етуқ мутахассис қилиб тайёрлаш имконини беради. Шу билан бирга, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсон, юрта фидойи, ватанпарвар қилиб воғая етказиш университетимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ёшларимизнинг ҳар бир кунини мазмунли ва фойдали ўтиши биз учун муҳимдир.



ҳўжалиги бўйича раҳбар ходимлари, таниқли шоир, адиблар билан бўладиган талабалар учрашувлари ва бошқа турли тадбирлар ёшларимизни маънан етуқликка, билимли бўлишга, мустақил фикрлашга ўргатади, албатта. Талабаларни тинглаш, очик мулоқотлар тўғрисида яқин маънавий муҳит пайдо бўлган, бу эса маънавий-маъ-

танлаган соҳаларда етуқ мутахассислар сифатида фаолият юрота олиши, элим деб, юртим деб яшаши олий таълим даргоҳида олган билими, маънавий камолотига боғлиқ. Ёшларга таълим-тарбия бераётган устозлар шу масъулиятни чуқур англайдилар.

ИСЛОХОТ

Талабалар кўп, умидлар ҳам...

Университетнинг катта спорт мажмуаси талаба ёшлари, университет қошидаги лицей ва гимназия ўқувчиларининг энг сеvimли масканига айланган. Бу ерда ўсмир ёшларнинг спортнинг деврли барча турлари билан шуғулланишлари учун энг замонавий талабаларга мос қулай шароитлар яратилган.

"Баркамол авлод - 2005" спорт мусобақаларининг кураш бўйича беллашувлари ушбу спорт мажмуасида ўтказилди, дейди "Жисмоний тарбия ва спорт" кафедраси мудири, спорт устаси Мирслот Салихов. Бугунги кунгача университетимиздан юзлаб талабалар жаҳон ва республика спорт мусобақаларининг чемпионлари бўлишганидан фарқланамиз. Университетимиз жамоаси "Универсиада - 2004" спорт мусобақаларида фахрли 1-ўринни эгаллаган эди. Бу йил олий ўқув юртилари орасида аҳоли-

нинг жисмоний тайёргарлигини аниқлашга қаратилган "Ал-поминиш ва Барчиной" махсус тест синовлари танловида ТошДАУ талабалари биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Айни пайтда Марказий Осиё чемпиони Шўхрат Муродов, қарата бўйича Ўзбекистон чемпиони Бақодир Маҳмамов, Лал Бақодир Шахри хотирасига бағишланган халқаро турнир бронза медали соҳиби Бақодирдин Холмўминов каби иқтидорли ёшлар университетимизда таълим олмақда.

Кафедрамизда спорт устаси ва спорт усталари ҳам мураббийлар машғулотлар олиб боришади. Шунингдек, таниқли спортчилар ва ерга келиб, талабаларга маҳорат сирларини ўргатишади. Спорт мажмуамизда ёпиқ сув ҳавзаси ҳам мавжудлигини унинг ама мукамал лойиҳа-вирус асосида бунёд этилганидан далолат беради. Ҳар бир бўлим спортнинг шу тури бўйича ҳамма ўз ихлосмандлари билан гавжум.

Иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш уларга катта маънавий мадад, шижоат бағишлаш шўҳасиз. Университет илмий кенгаши томонидан бир неча номдаги йиллик стипендиялар таъсис этилгани эътиборимизни тортди. Айтайлик, "энг яхши талаба" номига сазовор бўлган талабанинг стипендиясига ҳар ойда яна 50 фоиз пул маблағи қўшиб берилади. Бундан ташқари айни пайтда 15 нафар талаба "Мустақиллик", Зарифа Саидносовна, Н.Балашев, М.Бақодиров, шунингдек, илмий кенгаш стипендиатларидир ва уларга бир ўқув йили давомида бу маблағлар қўшимча равишда бериб борилади.

Интеллектуал ёшлар

Ҳар биримизнинг интилишимиз, пухта билим олишга иштиёқимиз, эришган кичик ютуқларимиз ҳам устозларимиз назаридан асло четда қолмайди, дей мамнуллигини билдирди "Мустақиллик" стипендиатлари Эркин Жўраев, Мурод Абдурахмонов ва Мадина Ботировалар. Уларнинг тахмулри, бизни қўллаб-қувватлаш янада кўпроқ ўқиш, фахат яхши талаба бўлишга ундайди, кун бағишлайди. Университет иқтидорли талабалар бўлимининг 270 нафар азоси борлигини таъкидлайди. Шу бўлим раҳбари Омон Мамадиев биз билан суҳбатда.

Улардан ҳар ўқув йилида университет ҳомилигида 40-50 нафари республика тил таълими марказининг 3 олий чет тили ўқув курсларига юборилади. Улар орасида Боруний, Навоий стипендиантлари бор.

Иқтидорли талабаларимиз республика фан олимпиадасида муносиб иштирок этиб келишмоқда. Ҳар бир талабанинг эришган муваффақияти албатта тақдирланиши, моддий рағбатлантириши бизда анъанага айланган. Бу уларга билдирилган ишонч ва умидимиз ҳамдир, ёшларимиз бунини дилдан ҳис қилиши, янада масъулиятроқ бўлиши бизни қувонтиради. Университет, республика ва халқаро миқёсда амалга оширилаётган илмий лойиҳаларда 46 нафар иқтидорли талабаларимиз иштирок этмоқда. Шу билан бирга, қўллаб талабаларимиз университет ва республика миқёсда ўтказилган илмий конференцияларда муваффақиятли қатнашиб, илмий ишлари етуқ олимларимизнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Жумладан, 4-босқич талабаси Фарҳод Чоршанбиевнинг ўрмончилик йўналиши бўйича "Арчазор ўрмонларнинг, ёпиқ илдизли кўчатларини барпо қилиш технологияси" мавзусидаги илмий изланишлари кўпчиликда қизиқти уйғотди. Экологик муҳитни яхшилаш, тупроқни сув эрозиясидан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган арчазорларни кўпайтиришнинг юртимиз иқлимига мос, самарали технологияларини ишлаб чиқиш, амалиётда қўллаш бугунги кундаги долзарб илмий мавзулардан биридир. Чунки етиштирилган 3-4 йиллик арча кўчатларини очик илдиз билан ўтказилганида уларнинг илдиз олиб кетиши бор-йўғи 30-40 фоизини ташкил қилади. Таҳрибалар шуни кўрсатаёттики, контейнерларда етиштирилган кўчатлар ёпиқ илдиз билан экилганда, улар 95-100 фоизгача тўтиб кетиши мумкин. Иқтидорли талабамиз илмий изланишларида ўрганилаётган бу усул арча ўрмонзорларини кўпайтиришда энг оқилона, ҳар томонлама тежамли усул эканлигини олимлар кайд қилишяпти.

Албатта, бундай мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга Германия, Ҳиндистон, Швейцария каби мамлакатларда таълим олаётган ўнга яқин талабаларимиз билим ва иқтидорда хорижий тенгдошларидан қолишмасликларини намойён этаётганлигидан қувончимиз чексиз. Юртимиздаги 19 та ва хорижий давлатлардаги 32 та олий билим даргоҳлари билан университетимиз ўртасида ўзаро яқин илмий ҳамкорлик ўрнатилган.

Зеро, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига доир фанлар ривож мамлакатимизда аграр соҳани замонавий тараққий эттиришнинг янгидан-янги имкониятларини очади.



Хозирги пайтда биринчи рўзгорини картошканинг тасаввур қилиш қийин. Лекин кейинги қилларда бу маҳсулотнинг сифати ҳақида харидорларнинг эътирозли фикрларини кўп эшитиб қоламиз.

Ортимизда картошканинг бир неча турлари етиштирилади. Университетга қарашли "Биотехнология илмий-тадқиқот маркази"да бу борада қилинаётган ишлар эътиборга молик. Бу ерда вирусиз картошка навларини етиштириш устида олиб борилаётган таҳрибалар яхши самара бераётганини таъкидлаш мумкин. -Одатда, ёзги ва кузги мавсумлар ораллиғида бу экиндан ҳосил олишда бироз узилтиш юзага келади, дейди марказ раҳбари, таниқли олим Элмурод Холмуродов. -Бу ҳол картошканинг бозордаги нархларига ҳам сезиларли таъсир қўрсатади. Картошкани иккинчи экиш

даврида унинг ҳосилга кириши ҳазирма иссиқда қийин кечади ва қутилган натижани беравермайди. Шу боис биз иссиққа чидамли навлар устида иш олиб боряптимиз. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бу экиннинг ҳам ўзига хосликлари мавжуд, шулардан бири бир нави 2-3 йил кетма-кет етиштирилгач, уни қайта янгилаш зарурлигидир. Чунки картошка вирусга тез чалинувчан экин ҳисобланади. Деҳқонларимизда "уруғ айниди" деган ибора бор, шу маънода экилаётган навлар икки-уч йилда "айниди" дейиш мумкин ва уни янгилашга эҳтиёж туғилаверади. Марказимизда шундай илмий амалий имкониятлар борки, ҳар бир дона навадан бир йилда икки миллион дона янги, вирусиз, соғлом навлар олишимиз мумкин. У микроклона усулда осон кўпайтирилади.

Биз тайёрлаган навларнинг вирусларга чидамлилиги 4-5 йилга етади. Айни

пайтда дунёнинг турли жойлари ва ўз юртимизда ўсадиган 70 турдан зиёд картошка навлари йиғилган. Ўзига темир моддасини кўп йиғадиган навлар яратиш таҳрибаларига ҳам киришдик.

Хозирги кунда қайроқи, умид, диаманд, невский каби вирусга чидамли навлар юртимизнинг турли жойларида самарали экиб келинаёпти. Таҳрибада синалаётган эль ва макс ҳам тезпишар навлар бўлиши қутилмоқда. Албатта, янги изланишлар жараёнида юртимизнинг иқлим ва тупроқ шароити ҳам ҳисобга олинади. Шу боис нафақат ёз ҳазирамаси, балки шўрга ҳам чидамли янги навларни яратишни мақсад қилганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, университетимиз ва республика фан ва технология маркази бу муҳим илмий тадқиқотларнинг самарали кечишида ҳар томонлама ёрдам бераёпти.



Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Университетимиз талабаларининг ота-оналарини "ОТА-ОНАЛАР КУНИ"га тақлиф этади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоат ташкилотлари

Университетимиз талабаларининг ота-оналарини "ОТА-ОНАЛАР КУНИ"га тақлиф этади. "Ота-оналар кунини"да сиз фарзандларингизнинг таълим олиш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш, машғулотларга қатнашиш, профессор-ўқитувчилар тарихи ҳақида маълумотлар, улар билан бевосита учрашиш, ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўласиз. Учрашу-мулоқот 2005 йил 26 ноябр шанба кунини соат 9-9:00 да бошланади. Университетимиз профессор-ўқитувчилари ва ходимлари бу ўзаро фойдали сиз билан учрашувдан мамнун бўлажакларини билдириб, барчангизни мулоқотга қорлаймиз, азиз ота-оналар! ТошДАУ ректорати.

Бир танишим ҳикоя қилади: элнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг бозорга бор, дейди халқимиз. Шу бозорданми ёки касбим сабабми, қаерга бормай биринчи бозорларни томоша қиламан. Россияга борган чоғим ҳам шундай бўлди. Гап бунда эмас, бошқа ёқда, эътиборимни тортган воқеа ҳақида гапирмоқчиман. Деҳқон бозорида пиёз олиш учун навбат кутиб турган одамларни кўриб ҳайрон бўлдим. Чунки бозорда пиёз сароб эди-да. Қизқиссини харидор аёлдан бунинг сабабини сўрадим.

- Бу Ўзбекистондан келтирилган. Шунинг учун талаш. Серкүёш заминда етиштирилган пиёз витаминларга бой.

- Қолганлари-чи? - бошқа расталардаги пиёзларга юзланаман.

- Э-э, буларми, Хитой ва бошқа давлатларники. Тўғриси айтишим, бу пиёзларни арчсанг ҳам кўзингни ачитмайди. Фақат чиройи бор, холос.

Уша пайдагит хурсандчилигимни кўрсанг эди... Ўзга юртда ватанинг маҳсулотига махлий харидордан бундай илқ сўзларни эшитиш шараф эмасми?

Серкүёш ўлкамизда етиштирилган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг довриги етти иккимга кетган. Тилими тилини ёрадиган қовунларимизу болнинг бемислликдан дудоқларга ёпишадиган кирсиллама узумлар мана ман деган кишининг иштахасини кўзгаб юборади-да. Олма, шафтоли, ўрик, анжирларни-ку асти қўяверинг. Уша кезда Оллоҳ бизга беҳишт ерларининг бир бўлагини инъом этгани хусусидаги ривоятларга ишонинг келади. Қувонарлиси, Ўзбек даладаригада бу нозу неъматлар дунё бозорларига бугун нафақат хом ашё сифатида, балки қайта ишланиб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан етказиб берилган. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсу-



нишдан бир оз қочиб, янгилик киритилса, яхши бўларди. Негаки, ҳозир ҳам консерва маҳсулотлари ҳажми катта идишларда қадоқланаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, бу ташишда қийинчилик туғдиргани каби бозори ҳам унча чақон бўлмас экан. Сабаби эҳтиёжда. Яъни-ки харидорлар кўп килограммликисидан кўра кичик си-

иккиламчи дея олмайман. Бизнесда вақт ҳам муҳим. Дизайн ундан ютиш имконини беради.


"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган"

Бугунги кунли рақобат муҳитида дунё бозорларига кириб, ундан муҳим ўрин топиш осон иш эмас. Бунинг бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган ҳар бир киши яхши билади, албатта. Негаки, бозорнинг ёзилган қонунлари баробарида ёзилмаган қоидалари қанча. Уни ўз соҳасининг усталаригагина ўз вақтида илғай олади. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги ила

Айб об-ҳаводами ёки...

Қайта ишлаш корхоналарининг қон томири хом ашё саналади. Инсон қон томирларида ҳаракат тўхтаса, у ҳалок бўлади. Корхоналарники тўхтаса-чи? Иш суръати тушиб, охири-оқибат инкирозга юз тутаети. Шунинг учун ҳам қайта ишловчилар хом ашё заҳираси яратишга интилишади. Кафолатли маҳсулот билан таъминланиш учун тиришадилар. Мақсад иш суръатини ошириш, тушган талабларни тўқини адо қилиш. "Осиё-Экспресс" корхонасига полиз маҳсулотларини заҳираси атрофидаги тумандаги шир-

оёғимиздан тортишди. Келинг, бир таққослаб кўрайлик. Бу йил Болабобоев номили ширкат хўжалиги 1100-1200 тонна помидор етказиб беришди. Эътибор бераясизми, битта ширкатдан шунча ҳосил олинди. Ёки "Бўзсув" ширкатини айтилайлик. 800 тонна маҳсулот етказиб берди. Ваҳоланки, Тошкент туманидаги ширкатлар жами 1,5 миң тонна хом ашё учун шартномага имзо қўйишганди. Амалда эса атиги 25 тонна помидор олдик. Бунинг 10 та ширкатга тақсимлаганда 2,5 тоннадан тўғри келади. Ҳайрон қолсан киши. Нима, қўш ҳамма жойда ҳар хил нур сочадими? Ундай десак, Тошкент билан Зангиота туманларининг орасидаги масофа ҳеч қанча эмас-ку?! Бизингча, ҳамма



ган, муҳими экспорт қилиш қувватига эга жамиятларга берган маъқул. Бу нима беради? - дерсиз. Самарасини учта нарсада кўриш мумкин. Аввало маҳсулот таннархи тушади, кейин хом ашё кафолатланади, охиригиси экспорт салмоғи ортади.

Яна бир гап. Уруғликдан тортиб агротехникаси билан ўзимиз шугуллансак, айбни табиат инжиқликларига ағдармай жон-жаҳдимиз билан ишлаймиз. Ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш учун мутахассисларни жалб этган ҳолда росмана тер тўкадим. Ўзимизга керакли навлардаги экинни парваришлаб, юқори ҳосилдорликка эришамиз. Бу табиийки, бизга арзонга тушади. Ҳозир 1 килограмм помидор 50-60 сўмдан олинаётган бўлса, ўзимиз етиштирсак 20-25 сўмга тушар экан. Боринги, сарф-харажатлар ошиб кетган тақдирда 30-35 сўм дейлик. Кўрдингизми, 1 кг помидорнинг пулига 2 кг олиш мумкин экан. Ниятимиз ер майдонларини кўпайтириш эвазига эмас, балки ҳосилдорликни ошириш тўғриси даромаднинг ошириш. Ажратилажак ер майдонларининг тенг ярмига олма, беҳи, шафтоли, ўрик каби мевали дарактлар эҳсаб, қолганда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирамиз.

Мулкдорга берсанг қарз...

- Қайси турдаги компанияни олманг, молия муассасаларининг кўмағига эҳтиёж сезади, жумладан, бизнинг корхонамиз ҳам, - дейди М.Мусаев. - Уларнинг ёрдамисиз ишлаш ўта мушкул. Фаолиятимизда "Пахта Банк" ёрдами бекиёс. Мазкур банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши эвазига ишимиз юришяпти. Демокри бўлган Тижорат банклари томонидан хом ашё хариди учун қисқа муддатли, ҳам фойдали кредитлар жорий этилса. Ҳозирги кунда банклар томони-

Даладан... дунё бозорига

қидлашларича, жамоа олдига қўйилган мақсад маҳсулот чиқариб, уни баланд нархларда омиборларда ушлаб туриш эмас, балки унинг сифатини ошириб,




ғимдаги маҳсулотларга ўч. - Долзарб масала бу, - дейди М.Мусаев. - Савдода ташқи бозорларда ҳам катта ўрин тутиши бор гап. Одатда, дунё бозорига

ташқи бозорга маҳсулот чиқараётган корхоналар ичида сўз юритаётганимиз "Осиё Экспресс" жамияти ҳам бор. Мазкур корхона 2004 йили "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси тизимидаги корхоналар ичида экспорт салмоғи юқорилик эътироф этилган.

Жамият маҳсулотларининг 95 фоизи экспортга йўналтирилган бўлиб, улар Россия, Қозғистон, Беларус, Украина, Болтиқ бўйи давлатларига чиқарилмоқда. Асосий миқозлар Россия ҳамда Қозғистон давлатлари ҳисобланади.

- Сархил мевалардан тайёрланаётган маҳсулотимизга дунё бозорига талаб катта, айниқса Россияда, - дейди Маъруфжон Мусаев. - Қувонарлиси биз ўша бозорга кириб бордик. Бу, албатта осон кечмади. Ўтган йиллар давомида хориқлик ҳиммоларимиз бизни синовдан ўтказишди.

кат ва фермер хўжаликлари етказиб беради. Мева асосан водий вилоятларидан келтирилади. Жорий йил Паркент, Янгийўл, гап меҳнатда, инсоннинг лафзиди. Маъруфжон Мусаевнинг куёниб айтишича, ҳозир "Осиё-Экспресс" 50 фоиз қувват билан



лотларини қайта ишлаб ички ва ташқи бозорга етказиб бераётган "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси тизимидаги корхоналарнинг хизматлари бекиёс. Ана шундай корхоналардан бири Тошкент вилоятидаги "Осиё-Экспресс" ёлқ турдаги акциядорлик жамиятидир. Мазкур корхона иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бор-йўғи 3 йил тўлапти. Аникроғи, у 2002 йилнинг апрел ойида ташкил этилган. Бирок, ўтган мана шу қисқа вақт корхона учун чинакам синов даври бўлди. Синовдан муваффақиятли ўтаётган жамоа бугун айтишга аризули ютукларини ҳам қўлга киритаёттир. Бир мисол. "Осиё-Экспресс" корхонаси жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича вилоятда биринчи, республикамизда эса учинчи погонани банд этиб турибди. Эришилган бу муваффақиятларнинг сирини нимада? Даладан дунё дастурхонигача бўлган жараёнда кўпроқ нима муҳим? Мақола асосида шу ва шу каби саволларга жавоб излаймиз.

рақобатбардош баҳоларда тез-тез сотишдан иборат. Шу тўғриси маблаг айланмасини кўпайтириб, юқори даромад олиш, кредит маблагни тўлаб бўлингач бекиёс. Ана шундай ҳисобидан яна технологиялар келтирилиб, ишлаб чиқаришни ошириш кўзда тутиляпти. Бизнинг эътиборимизни тортган бир жиҳат шундаки, корхонада ишчилар сони ниҳоятда кам. Бу ерда жами 50 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Сабаби билан қизққанамизда жамият раҳбарияти усуналар автоматлаштирилгани боис қўл меҳнатига эҳтиёж унчалик юқори эмаслигини айтишди. Яқинда корхонага Италиядан яна бир технологик линия келтирилиб, ишга туширилди. Бунда юқорида айтилган цехларда чиқарилаётган томат пастаси, мева пюрелари тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Энди корхонадан фақат хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар экспорт ҳажми ҳам янада ошади. Чунки мазкур цехда тайёрланган маҳсулотларнинг 80 фоизи ташқи бозорга чиқарилиши мўлжалланаяпти.

маҳсулотнинг 30-40 фоиз баҳоси шунга берилади. Корхонамиз мисолида айтсак, ҳозир маҳсулотларимиз икки усулда қадоқланади. Томат пасталари, мева пюрелари 200 литрлик маҳсул қопларга қадоқланиб оғзи ёлқ бочкаларга жойланади. Консерва маҳсулотларимиз эса, 1, 2, 3 литрлик шиша идишларда, бурама қопларда евроандозага жавоб берадиган тарзда қадоқланади. Тўғри, ҳали бу борада қилинадиган ишларимиз кўп. Ерлқ қорғола-рининг дизайни устида ишлашимиз керак. Биз ҳозир асосий эътиборни хом ашё таннархига қаратаймиз. Чунки сарф-харажатлари-


ло-тизмизни ўрганишди, сифатига баҳо беришди. Фаолиятимиз, таклиф этаётган маҳсулотларимиз уларга ҳар томонлама манзур бўлди. Шу боис ҳамкорларимиз йилдан-йилга ортиб бора-япти. Жорий йил ҳам Россия Федерацияси билан томат пастаси, мевалар концентратлари, консерва маҳсулотлари ва шарбатларга катта миқдорда шартнома тузилди. Таъкидлаш керак, жамиятнинг экспорт салоҳияти кейинги йилларда ошиб бора-япти. Масалан, биринчи йил атиги 200 миң АҚШ долларлик маҳсулот хорижга сотилган бўлса, кейинги йил бу кўрсаткич қарийб 400 миң АҚШ долларига етди. Амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида ташқи бозорга 850 миң АҚШ долларлик маҳсулот чиқарилди. Корхона мутахассисларининг сўзларига қараганда, агар жамият талаб даражасидаги хом ашё билан таъминланса, қиймати 1,5-2 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот учун экспорт мажбуриятини олиши мумкин.

Зангиота туманларидаги 36 та ширкат билан помидор харид қилиш учун шартнома имзоланган экан. - Ҳосил олиш учун ўрнатилган тартибда ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартнома тузамиз, - дейди М.Мусаев. - Унга кўра, 30 фоиздан 50 фоизгача маблаг бўнак пули тариқасида деҳқонларга олдиндан берилади. Қолган қисми ҳосилни қабул қилиб олганимиздан сўнг тезда тўланади. Бу борада муаммо йўқ. Биз тўловларни тўлиқ амалга оши-

ишляпти. Тўлиқ қувватга эришиш учун техник салоҳият етарли. Маблаг ҳам бор. Бирок хом ашё етарли эмас. Асосий муаммо ана шунда. Тўғри, корхона фаолияти таҳлил этилганда ишлаб чиқаришда йилдан-йилга ўсиш бўлаётгани айни ҳақиқат. Масалан, биринчи йил 350-400 тонна маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 1,5 баробарга ўсган. Аммо бу имконият даражасида эмас. Агар мажбур имкониятлар тўлиқ ишга солинса, экспорт ҳажмини 3-4 баробарга ошириш мумкин экан. - Масала ҳукумат миқёсида кўриб чиқилаяпти, - дея сўзида давом этади М.Мусаев. Уйла-


Маҳсулот сифати билан харидорғир

Бугун нозик дидди, айниқса, хориқлик харидорларнинг кўнглини овлаш осонми? Асло, Тўғри, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг азаси мислсиз. Аммо бунинг ўзи билангина иш битмайди-да. Уларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда қайта ишлаш, қадоқлаш ҳам лозим. Бунинг учун нима керак? Аввало технология. Жамият фаолияти билан танишар эканмиз, дастлабки эътибор техник салоҳиятини оширишга қаратилганга амин бўлдик.




Хориқлик бир меҳмон билан сўхбатлашганимизда унинг мавзуга оид фикри қизиқтириб қолганди. Бу маҳсулотларни қадоқлаш ва дизайн масаласи. Унинг айтишича, мана шу борада ҳам юқори натижага эришсак, дунё бозоридидаги ўрнимиз янада кенгайди. Мантиқан ўйлаб кўрсак, фикрда жон бор. Чиндан ҳам харидорда илк тасаввурни уйғотадиган нарса албатта маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Хохлай-

миз кам бўлса, даромадимиз юқори натижага эришсак, дунё бозоридидаги ўрнимиз янада кенгайди. Мантиқан ўйлаб кўрсак, фикрда жон бор. Чиндан ҳам харидорда илк тасаввурни уйғотадиган нарса албатта маҳсулотнинг ташқи кўриниши. Хохлай-




дан бу мақсадда ажратиладиган маблаглар йиллик 18-22 фоизни ташкил этади. Бу албатта чиқётган маҳсулот таннархини нисбатан қимматроқ бўлишига олиб келяпти. Тизимдаги республикамизга валюта киритаётган корхоналарга хом ашё сотиб олиш учун берилаётган қисқа муддатли кредитлар қайта кўриб чиқилиб, йиллик 8-10 фоизга туширилса бизга жуда катта қўмақ бўларди. Ана шунда, ишлаб чиқариш суръатини 2 баробарга ошар эди.

Корхонада бугунгача 2 та цех фаолият кўрсатаётган эди. Биринчисида консерва маҳсулотлари, мева шарбатлар, иккинчисида эса томат пасталари, турли мева пюрелари каби ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. 2002 йилда Италиянинг "FENKO" компаниясидан харид қилинган мазкур технология дастурхонлари бугунги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Қуввати ҳам юқори - суткасига 350-400 тонна хом ашёни қайта ишлашга қодир.



сизми-йўқ, биринчи галда бизга унинг безаги таъсир этади. Таъбир жоиз бўлса, миқозини чақирадиган нарса ҳам унинг юзи. Шу боисдан бўлса керак, ривожланган давлатларда бунга жуда катта эътибор беришади. Бу билан уларадаги сингари албатта ялтироқ қорғолаларда қадоқлаш керак, деган фикрдан йироқмиз. Ҳар ҳолда эски бичим ва кўри-

риб, зиммамиздаги мажбуриятни бажараямиз. Ширкатларнинг қардорлигимиз йўқ. Аммо айрим ширкатлар лафзида турма-ётир. Бу бизга қимматга тушяпти. Мутахассисларнинг фикрича, бу йилги ёз полиз ва сабзавот экинлари учун бироз ноқулай келди. Лекин бу ҳосилнинг ҳаммаси йўққа чиқди, дегани эмас-да. Афсуски, кўпгина деҳқонлар шундай дейишга ҳам боришяпти. Назаримда, айбни табиатга ағдариш адолатдан эмас. Негаки ҳосилни дўндириб олган, мажбуриятини бажарган ширкатлар ҳам бор-ку?! Масалан, Янгийўл туманидаги С.Болабобоев номили, Зангиота туманидаги "Бўзсув" ширкати, "Ўзбекистон" акциядорлик жамияти деҳқонлари сўзларининг устидан чиқиди. Бирок Тошкент, Бўстонлик, Паркент туманидаги ширкатлар




мизки, муаммо албатта ҳал этилади. Чунки давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун барча шароит яратиб берилаяпти. Президентимизнинг беришга жорий йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларага эркинлик бериш ҳақидаги қатор фармон ва қарорлари чиқди. Бу албатта, тадбиркорларга бўлган эътибор, гамхўрлик намунаси. Биз бу имкониятлардан оқилона фойдаланишга, фаолиятимизни кенгайтиришимиз, валюта киримини оширимиз керак. Агар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга ер ажратилиб, хом ашёни ўзимиз етиштирсак, айтилган муаммо ечимини топарди. Бунинг албатта тизимдаги барча корхоналарга қўллаш керак, деган фикрдан йироқмиз. Бизингча, ерни иқтисодий аҳоли яхши, эртага билдирилган ишончни оқлайди-

Мазкур технологияларни Осиё Тараққийоти банкнинг кредити кўмағида харид қилганмиз, - дейди жамият бош директори Маъруфжон Мусаев. - Қарз 5 йил муддатга берилган бўлиб, уни пешма-пеш узиб бора-япмиз. Бугунги башоратларимизга қараганда, маблагни муддатидан бир йил олдин тўлиқ тўлаймиз. Ана шунда даромадимизнинг салмоқли қисмини корхона ривожига йўналтирамиз. Кези келганда айтиш керак, Республика акциядорлик тижорат "Пахта Банк"нинг бизга қўмағи катта бўлаёттир. Хужжатларни расмийлаштиришдан тортиб, маблаг олгунча бўлган жараёнда банк мутахассислари ўзларининг қимматли маслаҳатларини аяшмайди. Муҳими, уларнинг кўрсатаётган банк хизмати юқори сифатлилик билан ажралиб туради. Маъруфжон Мусаевнинг таъ-





сиз хориқнинг ялтироқ безагига учиб маҳсулотини сотиб олдингиз. Уни истеъмол қилиш асосида қанақалигини билиб, хулоса чиқарасиз. Айтинг-чи, ана ўша жимжимдор идишдаги сифатсиз маҳсулотни яна оласизми? Йўқ, албатта. Оддий кўринишда бўлса-да, сифатлисини харид қиласиз. Бу билан дизайн

сиз хориқнинг ялтироқ безагига учиб маҳсулотини сотиб олдингиз. Уни истеъмол қилиш асосида қанақалигини билиб, хулоса чиқарасиз. Айтинг-чи, ана ўша жимжимдор идишдаги сифатсиз маҳсулотни яна оласизми? Йўқ, албатта. Оддий кўринишда бўлса-да, сифатлисини харид қиласиз. Бу билан дизайн

Бугун олдимизга улкан мақсад қўйиб аниқ режаларни белгилаб олдик. Уларни бекум-қўст амалга оширсак, 2006 йил хорижга 1 миллион 800 миң сўмлик маҳсулот чиқаришга эришамиз.



Очиги, сархил мева, полиз ва сабзавотларимиздан тайёрланган маҳсулотларни хориқликлар бугун қидириб истеъмол қилишяпти. Чунки юртимиз неъматларининг афзаликларини чет элликлар аллақачон англаб етишган. Бунинг "Осиё-Экспресс"нинг Москва шаҳридаги Савдо уйи фаолияти ҳам исботлаб турибди. Жамият томонидан етказиб берилган маҳсулотлар мазкур Савдо уйи орқали Москвадан то Владивостоккача бўлган ҳудудда сотилмоқда.



Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаб, қадоқлашга илк бор XVIII асрда Францияда асос солинган эди. Қишда ҳам ноз-неъматларнинг тақдим этувчи бу иқтисодий фойда келтиргани боис тезда дунё бўйлаб ёйилди. Бугунга келиб эса иқтисодиётнинг етакчи бўғинларидан бирига айланди. Республикамизда ҳам даладан ҳосилнинг хориқликлар дастурхонига етиб боришда кўприк воситасини ўтаётган "Осиё-Экспресс" сингари корхоналар сони талайгина. Бундай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада оширишга муносиб хизмат қилмоқда. Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

